Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. 12 июнь 1971 йил, шанба ◆ № 133 (15.003). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ПАРВОЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРВОЗНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 11 июнь. (ТАСС). Учувчи бошқарадиган «Салют» орбитал илмий станцияси Москва вақти билан кечаси соат бирда Совет Иттифоқи территориясидан радио алоқа ўрнатиш мумкин бўлган зонага яна кирди. Экипаж командири ўртоқ Добровольский радио алоқанинг биринчи сеансида космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар ва парвоз программасини бажаришни давом эттирмоқдалар, деб хабар берди. Ҳамма борт системалари ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Куба Республикасининг ташқи ишлар министри Москвада

11 июнда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Куба Республикасининг ташқи ишлар министри Раул Роа Гарсия ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган музокаралар вақтида министрлар Совет — Куба муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган жуда катта масалалар юзасидан, шунингдек, актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олдилар. (ТАСС).

МЕХАНИЗАЦИЯ — БОШ ЙЎЛИМИЗ

Куни кеча газеталарда Тошкент ва Сирдарё областлари пахтакорларининг пахта йиғим-теримини комплекс механизациялаш юзасидан ишлаб чиққан тадбирлари босилиб чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ҳар икки область меҳнаткашларининг бу ташаббусини маъқуллаб, республикадаги ҳар бир колхоз ва совхозда пахтани машинада теришга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш, йиғим-терим ишларини комплекс механизациялашни ҳар томонлама кенгайтириш, бу йил камида икки миллион тонна пахтани машиналарда териб олишни таъминлаш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш ҳақида область ва район партия комитетлари, совет, хўжалик органлари зиммасига конкрет мажбуриятлар юкладилар.

Ташаббускор областларнинг хўжаликлари олинган юксак мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишида, пахтачиликда, айниқса йиғим-терим ишларида комплекс механизацияни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда териб олишга қарор қилдилар. Тошкент областида 250 минг тонна, Сирдарёда эса 350 минг тонна пахта машиналар билан йиғиштириб олинади.

Дарҳақиқат, ҳосил йиғим-теримини механизациялаш пахтачиликда энг муҳим иш ҳисобланади. Бу борада республикамизда кўпгина ишлар қилинди. Бултур пахта майдонларида қарийб 28 минтга «зангори кема», кўплаб кўрак узиш машиналари механик подборщиклар ва бошқа техника воситалари жавлон урди. Улар ялпи ҳосилнинг 34 процентини, яъни 1 миллион 570 минг тонна пахтани териб беришди. Жуда кўп хўжаликлар катта майдонларда етиштирилган жами ҳосилни 20—25 иш кунида машиналар билан териб олишга муваффақ бўлишди.

Юбилей йилида дала гвардиячилари ғоят унумли ишлашди. Шоймардон Қудратов, Оллоназар Худойназаров, Абдусаттор Курбонов, Ҳафиз Полвонов, Светлана Продан сингари механизаторларнинг ҳар бири 400-659 тоннадан пахта териб, олдинги йилларнинг рекордларини ортда қолдиришди.

Машина — деҳқоннинг қаноти, ишонган тоғи. Ҳар бир машина ўрта ҳисобда 150-200 теримчининг ишини бажаради. Деҳқонлар машинанинг кароматини яхши тушуниб етиб, унга тобора кўпроқ умид боғламоқдалар. Кейинги йилларда пахтачиликни механизациялашнинг бутунлай янги технологияси ишлаб чиқилдики, бу ҳол деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатнинг бир турига айлантириш жараёнини тобора тезлаштирмоқда. Бултур анчагина майдонлардаги экин қўл меҳнати сира ишлатилмаган ҳолда парвариш қилинди. Пойтахт области хўжаликлари бу йил 49 минг гектар, сирдарёликлар қарийб 169 минг гектар ердаги экинни қўл меҳнати ишлатмай йиғиштириб олишга аҳд қилган эканлар, бу моҳият эътибори билан пахтачиликни комплекс механизациялашнинг юқори погонаси бўлиб, республиканинг бошқа область ва районларида, хўжаликларида ҳам кенг қўллаб-қувватланиши турган гап.

Бу йил — тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида, КПСС XXIV съезди бўлиб ўтган йилда республикамиз пахтакорлари зиммаларига 4 миллион 400 минг тонна «оқ олтин» етиштиришдек юксак ва шарафли мажбурият олишган. Утган йилларнинг тажрибаси шундан далолат берадики, машинага ихлос қўйган, машинани эъзозлаган ва унга кенг йўл очиб берган хўжаликлар мўл ва арзон ҳосил етиштиради, пахтани тез ва нобудгарчиликка йўл қўймай, қисқа муддатларда йиғиштириб олиб, келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин яратиш имкониятига эга бўлади.

Кўп областлар ва районлар худди шундай йўл тутмоқда. Шу билан бирга йиғим-терим ишларини механизациялашга оғизда қизғин тарафдор бўлиб, амалда бунинг тескарисини қилаётган хўжаликлар, районлар, ҳатто областлар ҳам йўқ эмас. Фарғона областининг Бағдод, Қува районларидаги айрим хўжаликларда бутун куз бўйи ҳар бир машина билан 10 тоннадан сал кўпроқ пахта териб олинганини бошқа нима билан изоҳлаш мумкин?! Бундай мисолларни Қашқадарё, Хоразм областлари хўжаликларидан ҳам топиш мумкин.

Механизация — пахтачиликни юксалтиришнинг бош йўли. Область ва районларнинг партия комитетлари, хўжаликларнинг бошлағич партия ташкилотлари, совет, комсомол ва хўжалик органлари ўз фаолиятларида мана шу муҳим қоидага оғишмай амал қилишлари, пахтачиликни комплекс механизациялашнинг моҳиятини ҳар бир меҳнаткаш онгига чуқур сингдиришлари, бу ишнинг нақадар муҳимлигини конкрет факт ва мисоллар асосида тушунтириб беришлари даркор.

Тошкент ва Сирдарё областларининг пахтакорлари 1971 йил пахта йиғим-теримини комплекс механизациялаш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларида машина теримини бошлаш муддатлари, барча терим техникасининг узлуксиз ва юксак унум билан ишлашини таъминлаш тадбирларини конкрет шароитларни тўла ҳисобга олган ҳолда белгилаб чиқишди. Бу тадбирлар комплексида улар дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, сиёсий оммавий ишларни қай тариқа олиб бориш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик имконини берадики, бошқа областлар ва районларнинг белгилайдиган тадбирларида бунга алоҳида эътибор бериш керак.

Республикамизда партия XXIV съезди белгилаб берган улуғвор режаларни амалга ошириш юзасидан умумхалқ ҳаракати кенг қулоч ёзган ҳозирги пайтда асосий бойлигимиз бўлган пахта йиғим-теримини ўйлаб, олдиндан пухта режалар тузиб, ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда йиғиштириб олиш ҳақида қайғуриш, шу тариқа мамлакатга мўл, арзон ва сифатли пахта етказиб беришни таъминлаш республика партия, совет, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг муқаддас бурчидир.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ, ҲАМХЎРЛИК — ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ТЎҒРИСИДА ОЛИЙ МАҚСАДИ

Сайловчиларнинг Л. И. БРЕЖНЕВ билан учрашуви

11 июнда Кремлдаги Съездлар саройида пойтахтдаги Бауман сайлов округи сайловчиларининг сайлов олди йиғилиши бўлди. Бу йиғилиш Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига номзод, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев билан учрашувга бағишланди.

Йиғилиш қатнашчилари Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Б. И. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Йиғилишни КПСС Бауман район комитетининг биринчи секретари В. Н. Макеев очди.

Шу нарса диққат-эътиборга сазоворки, деди у, бизнинг учрашувимиз Коммунистик партиянинг олий органи — КПСС XXIV съезди ҳали яқиндагина иш олиб борган шу саройда ўтказилмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев Коммунистик партиянинг талантли раҳбаридир. КПССнинг XXIV съезди Коммунистик партиямизнинг, бутун мамлакатнинг тарихига абадий порлоқ саҳифа бўлиб киради. Съезд, деди нотиқ, партия сафларининг монолит бирлигини, партиянинг юксак сиёсий етуклигини, унинг фаолият якунларига, келгусига мўлжалланган планларни ишлаб чиқишга чуқур, принципиал илмий ёндошаётганлигини бутун дунёга яққол кўрсатиб берди.

КПССнинг XXIV съезди партиянинг омма билан чамбарчас боғланганлигини, унинг марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализмига астойдил садоқатини яна бир марта намойиш қилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитет номидан қилган ҳисобот доклади марксизм-ленинизм назариясини коммунистик қурилишнинг навбатдаги босқичи вазифаларига мувофиқ ижодий тарзда ривожлантириш намунаси бўлди.

Ҳар бир совет кишиси съезд материалларини ўрганар экан, партия ишлари ва планларининг улуғворлигини жуда яхши англайди.

Съезд ўз ишини тамомлаган кундан буён, дейди В. Н. Макеев, атиги икки ой ўтган бўлса ҳам унинг ғоялари, тарихий қарорлари ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда. Москваликларнинг ташаббуси билан тўққизинчи беш йиллик биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган мусобақа кун сайин кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Районимизнинг меҳнаткашлари бу мусобақада актив қатнашмоқдалар. Леонид Ильич, янги беш йиллик биринчи йилининг топшириғини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 27 декабрда адо қилиш юзасидан олган мажбуриятимиз муваффақиятли бажарилади, деб Сизга ваъда берамиз.

Нотиқ совет халқи Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарларини республикалар Олий Советларининг депутатлигига биринчи номзод қилиб кўрсатганлигини таъкидлайди ва Бауман сайлов округидаги барча сайловчилар номидан гапириб, Л. И. Брежнев Бауман сайлов округидан Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига номзод қилиб овозга қўйишга розилик берганлиги учун унга қизғин ва самимий ташаккур изҳор қилди.

Азиз Леонид Ильич, деди В. Н. Макеев, Сизнинг берган розилигингиз биз учун катта шарафдир. Округ меҳнаткашлари сизнинг бу розилигингиздан бениҳоя хурсанд бўлдилар. Сизнинг берган розилигингиз ижодий активликни тағин ҳам кучайтириб юборди. Барча совет кишилари Л. И. Брежневни коммунизм учун изчил ва толмас курашчи, атоқли партия ва давлат арбоби деб биладилар. Партия олдида, халқ олдида юксак жавобгарликни сезиш ҳисси, зўр ишчанлик қобилияти, сиёсий, ҳқтисодий ва идеологик проблемаларни ҳал этишга чуқур илмий ёндошиш, ўткир принципиаллик, буюк ташкилотчига хос истеъдод, совет кишиларининг ҳаётини яхши билиш, халқ бахт-саодати тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш — Леонид Ильич Брежневнинг ўзига хос ҳислатидир.

Нотиқ сўзини давом эттириб, қуйидагиларни айтди: ишнинг аҳволига ленинча сезгирлик билан баҳо бера билиш, партиянинг ва халқнинг эътиборини ҳали ҳал этилмаган проблемаларга қаратиш, коммунизм ғалабаси учун муваффақиятли кураш олиб бориш аниқ-равшан йўллари ва воситаларини кўрсата билиш — Леонид Ильичнинг фаолиятидаги ажойиб хусусиятлардандир.

Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев жаҳондаги барча тараққийпарвар кучлар ўртасида жуда катта обрў қозонди.

КПСС XXIV съездининг делегатлари ва съездда қатнашган чет эллик меҳмонлар Леонид Ильичнинг бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш, жаҳон империализмининг кирдикорларига қарши курашда барча антиимпериалистик кучларни жипслаштириш соҳасидаги хизматлари жуда катта эканлиги тўғрисида зўр самимият ва чуқур иззат-ҳурмат билан гапирдилар.

Нотик яна қуйидагиларни айтди: Совет кишилари партия Марказий Комитетининг, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг халқ моддий ва маънавий бойлигини кўпайтириш масалаларига кўп эътибор бераётганликларини яхши биладилар. Азиз Леонид Ильич, буларнинг ҳаммаси совет кишиларида Сизга нисбатан чексиз ишонч ва бениҳоя меҳр-муҳаббат ҳисларини туғдиради. Леонид Ильич, Бауман сайлов округидаги барча сайловчилар номидан партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимида самарали ишлашингизни, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатини янада ривожлантиришда янгидан-янги катта муваффақиятларга эришувингизни, сиҳат-саломат ва бахтиёр бўлишингизни тилашга ижозат бергайсиз.

В. Н. Макеев сўзининг охирида қуйидагиларни айтди: Биз коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш билан совет халқини комил ишонч билан коммунизм йўлидан олиб бораётган жонажон Коммунистик партиямизнинг ленинча доно сиёсатини ёқлаб овоз берамиз, улуғ социалистик Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун, совет кишиларининг бахтли, қувончли ҳаёти учун овоз берамиз.

Ишончли вакил — ҳисоб-аналитик машиналар заводининг электр монтажчиси, коммунистик меҳнат зарбдори И. Д. Данилин йиғилиш аҳлига Л. И. Брежневнинг партиявий, давлат ва ижтимоий фаолияти тўғрисида гапириб, қуйидагиларни таъкидлади: Совет халқи Леонид Ильич Брежневни партия қарорларини ва улуғ Ленининг васиятларини амалга ошириш учун изчил ва баҳодир курашчи деб билади. Леонид Ильич Брежневнинг бутун ҳаёт йўли партияга ва халққа хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби бўлмиш Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимида ишлаб Марказий Комитет теварагига маҳкам жипслашган коммунистларнинг ўн тўрт миллиондан ортиқ аъзоси бўлган партиясининг талантли раҳбари эканлигини намойиш қилди.

Ҳаммамиз Леонид Ильич Брежневни жуда яхши биламиз, деди И. Д. Данилин, партия ва халқнинг содиқ фарзанди бўлган Леонид Ильич Брежнев билан фахрланамиз. Биз ундан ўрнак олмоқдамиз, принципиалликни, ўзига нисбатан талабчан бўлишни ундан ўрганмоқдамиз. Леонид Ильич ҳормай-толмай қилаётган меҳнати билан, Ватанга, партияга, халққа садоқати ва вафодорлиги билан РСФСР Олий Совети депутати деган юксак лавозимда сайловчиларнинг ишончини шараф билан оқламоқда. Мен Бауман сайлов округининг барча сайловчиларини сайлов куни РСФСР Олий Совети депутатлигига муносиб номзодимиз Леонид Ильич Брежнев учун овоз бериш даъват этаман. Биз 13 июнь куни номзодимиз ўртоқ Л. И. Брежнев учун, коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг номзодлари учун овоз бериш билан жонажон Коммунистик партиямизнинг ленинча сиёсати учун, КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга ошириш учун овоз берган бўламиз.

Шундан кейин Бардин номидаги қора металлургия марказий илмий-тадқиқот институтининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Н. Голиков, Бауман районидаги 345-мактабнинг муаллимаси, РСФСРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Л. С. Филиппова, 2-автотрактор электр аппаратлари заводининг созловчиси, коммунистик меҳнат зарбдори А. П. Ожерельев, Бауман номли Москва олий техника билим юртининг студенти Т. М. Анфимова сўзга чиқдилар.

Барча нотиқларнинг сўзларида таъкидлаб ўтилганидек, москваликлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг жонажон шаҳар тўғрисида айтган самимий сўзларини, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Москвани ривожлантиришнинг бош плани тўғрисида» қарорини чуқур ва самимий миннатдорчилик туйғулари билан кутиб олдилар.

Нотиқлар ленинчи партиямизнинг сиёсати тўғрисида, Бауман сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзод тўғрисида илиқ, самимий гапларни айтдилар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари билан маҳкам алоқа қилиб келаётганлигини, унинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги буюк хизматларини, фронтчилар тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигини ва ёшларга эътибор бераётганлигини таъкидладилар. Меҳнаткашлар билан доим шахсан учрашиб туриш — атоқли сиёсий арбоб ва давлат арбоби бўлмиш ўртоқ Л. И. Брежнев характерининг энг ғўзал фазилатидир. Йиғилиш қатнашчилари Бауман сайлов округининг сайловчилари яқдил бўлиб, зўр иштиёқ билан депутатликка ўз номзодини ёқлаб овоз берадилар, деб ишонч билдирдилар.

Сўзга чиққан кишилар Россия Федерацияси Олий Советига, бошқа иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайлов совет халқининг Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига чексиз садоқатини яна бир марта намойиш қилади, деб таъкидладилар.

Сўз ўртоқ Л. И. Брежневга берилади. Йиғилиш қатнашчилари ўринларидан туриб ўртоқ Л. И. Брежневни гулдурос ва давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар! Ҳурматли москваликлар!

Бауман сайлов округининг меҳнаткашлари мени бу сафар ҳам Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига номзод қилиб, менга зўр иззат-ҳурмат кўрсатдилар. Мени ўз номзоди қилиб кўрсатган ташкилотлар ва муассасаларнинг меҳнаткашларига, барча ўртоқларга — коммунистлар ва партиясизларга, меҳнат ветеранларига ва бу йил Совет ҳокимияти органлари сайловида қатнашишдек юксак гражданлик бурчларини биринчи марта бажараётган ёшларга билдирган ишончлари учун ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Мен шу йиғилишда сўзга чиққан ишончли вакилларга, шунингдек, сайлов кампанияси даврида кўп иш қилган агитаторларга ва барча ўртоқларга самимий ташаккур изҳор қилишни истар эдим.

Мен сизнинг ишончингизни, аввало, партиямизга, партиянинг меҳнати ва курашига, партиянинг мақсадлари ва планларига билдирилган ишонч деб қабул қиламан. Ўртоқлар, партиянинг бу мақсадлари ва планлари эса бутун халқимизнинг, барча совет кишиларининг мақсад ва планларидир!

Сайлов олди йиғилишларида аввалги сайловдан кейинги даврда қилинган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш одат бўлиб қолган. Аммо ҳозирги кунда бу натижалар ҳаммангизга яхши маълум бўлса керак. Партиямиз XXIV съездининг мажлислари худди шу залда ўтказилган эди. Икки ой олдин ўз ишини тамомлаган XXIV съезд халқимизнинг ўтган беш йил ичида қилган ажойиб меҳнатини кенг, ҳар томонлама кўриб чиқди ва якунлади. Биз бу якунлардан ҳақли суратда фахрланамиз. Шу билан бирга биз бу якунларни социал тараққиётнинг янги юксак погоналарига кўтарилиш учун бошлағич марра деб ҳисоблаймиз.

Биз олга борадиган йўл, шу беш йилликдаги тараққиётимизнинг умумий йўналиши, шунингдек, узоқроқ истиқболга ҳам мўлжалланган умумий йўналиши съезд қарорларида белгилаб берилди. Бу қарорларнинг маъноси социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техникани тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигининг ўсишини жадаллаштириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборат эканлиги сизларга маълум.

Бошқа сўзлар билан айтганда, КПСС XXIV съезди мамлакатнинг бутун экономикасини, бу экономиканинг ҳамма тармоқларини, партия ва давлатнинг барча раҳбар органлари ва кадрларини халқ фаровонлигини юксалтириш вазифаларини ҳал этиш сари астойдил отлантириш кераклигини кўрсатиб берди. Бу вазифалар илгари ҳеч қачон шундай кенг кўламда қўйилмаган эди.

Халқ манфаатлари, халқнинг бахт-саодати тўғрисида, унинг маънавий ва маданий юксалиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия фаолиятининг энг юксак мақсадидир. Партиянинг ўзи ҳам шу мақсадда тузилган эди, революция ҳам шу мақсадда қилинган эди. Совет кишилари шу мақсад йўлида жуда катта қийинчиликларни мардонаворлик билан енгдилар, жуда кўп қурбон бердилар. Биз ҳозирги кунда нефтихор билан айта оламизки, бизнинг курашимиз, зўр бериб қилган ҳаракатимиз ўз самараларини берди! Совет халқи, қаҳрамон халқ, баҳодир халқ барча синовларга бардош бериб, ғолиб чиқди. У Ленин партияси кўрсатиб берган кенг ва ёруғ йўлга, коммунизм сари олиб борадиган йўлга чиқиб олди. Совет халқи, машҳур революцион қўшиқда айтилганидек, ўз бахт-саодатининг калитини ясамоқда. Халқнинг ўз қўли билан барпо этилган ана шу бахт-саодат коммунистик ишимиз учун фидокорона курашувчиларнинг кўп авлодларига энг яхши мукофот бўлиб қолади.

Тўққизинчи беш йиллик планнинг партия XXIV съездида қабул қилинган топшириқлари ҳақиқатан ҳам буюкдир. Биз неча юзлаб янги завод ва фабрикаларни қуришимиз, улкан электр станцияларни ва жуда катта транспорт йўлларини вужудга келтиришимиз керак. Бундан ташқари, планга мувофиқ илгари қурилган неча мингдаб корхоналарни қайтадан ускуналашимиз ва жиҳозлашимиз, ҳамма жойда янги техникани, янги технологияни жорий қилишимиз ҳам керак бўлади. Қанчадан-қанча уй-жойлар, мактаб ва касалхона бинолари, стадионлар ва маданият уйларини қуришимиз керак!

Қишлоқда ҳам жиддий проблемаларни ҳал этиш лозим. Ҳосилнинг ва чорвачилик маҳсулдорлигининг анча кўпайтирилишини таъминлаш, қишлоқ меҳнаткашларининг турмушини яхшилаш соҳасидаги ишларни кенг ва ҳал олдириш зарур. Жуда кўп ишларни бажаришга тўғри келади. Шу билан бирга, бу ишларнинг ҳаммаси одатдаги оддий иш бўлмай, балки ғоят масъулиятли ишлардир. Шаҳар қишлоққа тегишинча ёрдам берган тақдирда — ишчилар синфи зарур миқдордаги қишлоқ хўжалик техникасини, ўғитларни, гербицидларни ишлаб чиқарган, бошқа кўпгина материал-техника воситаларини етказиб берган тақдирдагина қишлоқларимиз бу ишни уддалай олади. Қишлоқ хўжалигини юксалтириш — бутун халқнинг, барча совет кишиларининг ишидир.

Хуллас, ўртоқлар, мўлжалланган планларни амалга оширмоқ учун ҳаммамиз зўр ғайрат билан меҳнат қилишимиз керак. Бизнинг шонли ишчилар синфи учун ҳам, колхозчи деҳқонлар учун ҳам, зиёлиларимиз учун ҳам — ҳамма учун ҳам иш етарлидир.

Совет халқи съезд белгилаб берган йўлни яхши англаб, уни тамомила қўллаб-қувватлади. Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари партиянинг коммунизм қурилишида активликни ошириш тўғрисидаги даъватини қизғин маъқуллодилар. Улар амалий ишлари билан, зардор меҳнатлари билан ўзларининг ленинчи партияси съезди қарорларини бажаришга киришдилар.

Совет фани, хусусан космосни ва самовий жисмларни тадқиқ этиш соҳасида қўлга киритилган янги буюк муваффақиятлари билан съезд даъватига жавоб берди. Аввалдагидек ҳозирда ҳам Ойда ишлаб турган заҳматкаш — луноход ёнига, Марс сари парвозни давом эттираётган иккита автомат станциямиз ёнига эндиликда жаҳонда биринчи бўлган ва учувчи бошқарадиган орбитал «Салют» станцияси келиб қўшилди. Бу станция меҳмондўст мезбондек икки меҳмонни — «Союз — 10» ва «Союз — 11» космик кемаларини қабул қилди. Станциянинг жасур экипажи — космонавтлар Георгий Добровольский, Владислав Волков ва Виктор Пацаев жонбозлик билан меҳнат қилиб, совет халқининг ва бутун инсониятнинг манфаатлари йўлида муҳим тадқиқотларни ўтказмоқдалар. Ўртоқлар, буларнинг ҳаммаси қудратли индустриямизнинг, техникамизнинг ва фанимизнинг имкониятларини жуда яққол намойиш қилиб турибди. Бизнинг фанимиз мамлакат тараққиётининг съезд белгилаб берган улуғвор программасини бажариш учун жуда катта ҳисса қўшмоғи керак.

Кейинги ҳафталарда бепоён мамлакатимизнинг аҳоли яшайдиган ҳамма пунктларида сайлов олди йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда неча ўн-минглаб ва неча юз минглаб кишилар сўзга чиқишди. Халқ ўз номзодларига янги беш йиллик планни муваффақиятли бажариш учун, XXIV съезднинг қарорларини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрингиз, деб наказ берди.

Мен бу ерда, Москва Бауман райони сайловчилари билан учрашувда пойтахтимиз меҳнаткашлари тўғрисида эзгу сўзларни айтмай қололмайман. Москваликлар кўпдан буён Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг олдинги safларида бормоқдалар. Улар кейинги йилларда киритган кўпгина қимматли таклифлар Бутуниттифоқ миқёсида маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Москваликлар эндиликда янги беш йиллиқнинг дастлабки ойларидаёқ ҳозирги, 1971 йилнинг ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажариш учун мусобақани кенг авж олдиришни таклиф қилдилар. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги неча мингдаб коллективлар қўллаб-қувватлаган бу ташаббус пойтахт меҳнаткашларининг шонли анъаналарига тамомила мос бўлиб тушади.

Бауман районининг ишчилари, инженерлари, техниклари, хизматчилари меҳнат илғорлари safида муносиб ўрин олганликларини қайд қилиб ўтиш ёқимлидир. Бауманликлар ўтган йили саноат ишлаб чиқариши планини 30 сентябрга қадар бажардилар. Бу йилги ишлар ҳам кўнгилдагидек бошланди. Райондаги корхоналар социалистик мусобақа давомида шу пайтгача пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб беришди. Ўртоқлар, беш йилликнинг биринчи йилида ўз мажбуриятларингизни муваффақиятли бажаришингизни истаганлигимизни айтишга ижозат бергайсиз. Сизлар мўлжаллаганингиздан ҳам ҳатто кўпроқ иш қила олишингизга аминман!

Москва корхоналарида, шу жумладан районингиздаги корхоналарда ҳам аъло сифатли маҳсулот чиқарувчи бригада ва участкалар кўпайиб бораётганлиги ғоят муҳимдир. Шаҳримизнинг меҳнаткашлари пойтахтнинг шон-шуҳрати учун, Москва заводлари маркасининг шуҳрати учун курашиб, бу билан XXIV съезд ғояларини чуқур тушунib olганликларини ва ўз дилларига жуда яқин деб билганликларини кўрсатмоқдалар. Ҳар бир кишининг соф виждон билан ғоят унумли меҳнат қилиши ва юксак даражада сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши — янги беш йиллиқдаги катта вазифаларни ҳал этиш, бутун экономикамизнинг, бутун ҳаётимизнинг янги, янада юксак даражасига эришиш калитидир. Бу — бирдан-бир тўғри йўлдир. Биз бу йўлдан борамиз, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ҳақиқатан ҳам анча ошира оламиз. Партия раҳбарлигидаги совет халқи комил ишонч билан шу йўлдан бормоқда. Биз ҳеч қачон бу йўлдан четга чиқмаймиз!

Ўртоқлар! Бизнинг халқимиз индинга иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари, ўлка ва область, округ, шаҳар ва район, қишлоқ ва посёлка Советларининг янги составини сайлайди. Улар яқин бир неча йил мобайнида жамият ишларини бошқариш учун мандат оладилар.

(Давоми иккинчи бетда).

МХРП СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

УЛАН-БАТОР, 11. Монголия Халқ-Революцион партияси XVI съезди партия Марказий Комитетининг ҳисобот докладини ва Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлади, Монголия Халқ Республикаси халқ хўжалиги ва маданиятини 1971—1975 йилларда ривожлантириш юзасидан беш йиллик план директиваларини қабул қилди.

УЛАН-БАТОР, 11. Бугун бу ерда Монголия Халқ-Революцион партияси XVI съездида сайланган Марказий Комитетнинг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум Монголия Халқ-Революцион партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолигига Ц. Дугэрсурэн, Н. Жагварал, С. Лувсан, Д. Майдар, Д. Моломжамц, Ж. Самбу ва Ю. Цеденбални сайлади. Н. Лувсанравдан ва Б. Лхамсурэн Сиёсий бюро аъзолигига кандидат этиб сайландилар.

Монголия Халқ-Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб Ю. Цеденбал, МХРП Марказий Комитети секретарлари қилиб Ц. Дугэрсурэн, Н. Жагварал, Д. Моломжамц ва Б. Лхамсурэн сайландилар.

Пленум Н. Лувсанравданни МХРП Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси қилиб сайлади.

ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН

Шу кунларда илғор темир йўлчилар, бинокорлар, республика халқ хўжалиги бошқа тармоқлари ходимларининг кўксини Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» орденлари, «Шавкатли меҳнати учун» ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медаллари безамоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари Тошкентда шу мукофотларни топшириб, мусобақа илғорларини самимий муборакбод қилдилар. КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришда уларга муваффақиятлар тиладилар. (ЎзТАГ).

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ, ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК—ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

(Боши биринчи бетда).

Янгидан сайланадиган Советлар зиммасига қандай катта ҳажмдаги ишлар юкланганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Улар шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам ишлаб чиқаришни юксалтириш соҳасида жуда катта роль ўйнашлари керак. Уй-жой, мактаб ва болалар муассасалари биноларини қуриш планларини бажариш тўғрисида, жойларни обод қилиш ва меҳнаткашларни зарур товарлар ҳамда кўрсатиладиган хизмат билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — буларнинг ҳаммаси Советларнинг бевосита бажарадиган ишидир.

Советлар меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш, спорт муассасалари, туристик ва маданий-маиший муассасалар шохобчаларини ривожлантириш каби масалаларни эсдан чиқаришлари мумкинми, ахир? Булар ҳам Советларнинг ғоят муҳим бурчи-ку!

Бу ерда Советларнинг активлиги, ташаббуси ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим бўлган ҳамма масалаларни айтиб ўтишнинг зарурати бўлмаса керак. Аммо, шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари партиямиз XXIV съездининг қарорларини амалий равишда бажариш соҳасидаги ишларнинг талайгина ҳиссасини ўз зиммаларига олишлари лозим.

Ҳозирги кунда янги, социалистик ҳаёт тарзимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга Советлар қўшадиган асосий ҳисса ҳам шундан иборат бўлмоғи керак.

Советлар ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал этмоқ учун ҳозирги пайтда катта имкониятларга эгадир. Кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимиятининг жойлардаги олий органлари — Советларнинг ҳуқуқларини анча оширди, уларнинг моддий-молиявий базасини кенгайтирди. Аҳолига хизмат кўрсатадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам Советлар ихтиёрига ўтказилмоқда. Советлар, жумладан, кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни уюштириш учун ўз территорияларидаги корхоналарнинг ишларини мувофиқлаштириб олиб бориш ҳуқуқига эга бўлдилар. Советлар маҳаллий саноатнинг ишини кучайтириш, кооператив устахоналар, ҳар хил промисолар ташкил этиш учун кўп иш қила оладилар.

Хуллас, Советлар сайловчилар кутган ҳамма ишни қилишга қодирдирлар. Аммо бунинг учун Советлар ўз ихтиёридаги маблағлардан ва ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўғри фойдаланишлари керак, албатта.

Бизнинг жамоатчилигимиз Советлар ихтиёрида бўлган моддий ва пул ресурслари кўп ҳолларда тўла ўзлаштирилмаётганлигини бир неча бор қайд қилди. Ажратилган пуллар кўпинча биринчи даражадаги муҳим объект деб сира аташ мумкин бўлмаган объектларга сарф қилинмоқда. Советлар корхоналар ва ташкилотларнинг уй-жой ва маданий-маиший қурилишга ажратиладиган маблағларини марказлаштириш юзасидан ўзларига берилган ҳуқуқдан ҳамиша ҳам фойдаланмоқдалар деб бўлмайди. Бунинг натижасида халқ турмушини яхшилашдан иборат умумий ишимизга зарар етказилади. Ўртоқлар, бундай ҳолатга тоқат қилиб бўлмайди. Янгидан сайланадиган Советлар ана шу жиддий нуқсонларни бартараф қилмоқ учун кескин чораларни кўришлари лозим.

Советлар ўз бюджетларининг даромадлари бўйича планларни ошириб бажариш ҳисобига ёки тежаган маблағлари ҳисобига жуда кўп иш қила оладилар. Шу муносабат билан бизда қонунга мувофиқ Советларнинг ўзлари фойдаланишлари учун мўлжалланган маблағларни юқори Совет органлари уларнинг ихтиёридан олиб қўяётганликларини кўрсатадиган ҳоллар учраб турганлигини сезмай қолиш мумкин эмас. Шундай қилиш билан Советларнинг ҳуқуқлари камситилади, маҳаллий ходимларнинг ташаббуси бўғиб қўйилади. Биз бунда қонунларимизни шундай йўл билан бузадиган кишилардан маҳаллий ходимларнинг ҳақли суратда ранжишлари тўғрисида гапириб ҳам ўтирмаймиз. Ўртоқлар, бундай ҳоллар бўлмаслиги керак!

Биз ҳозир Советларнинг фойдаланилмаётган имкониятлари тўғрисида гапираётган эканмиз, қуйидагиларни ҳам эслатиб ўтишни истар эдик. Марказий Комитетнинг XXIV съездда қилган ҳисобот докладида бизда хизмат кўрсатиш соҳасида, масалан, кооперативчилик асосида қўлларидан келган қадар ишлашни чин кўнгилдан истаётган кўп кишилар — пенсионерлар, уй-рўзғор иши билан банд аёллар, инвалидлар борлиги кўрсатиб ўтилди. Бундай кишиларни ижтимоий фойдали ишга жалб этиш, уларнинг активлигини сафарбар қилиш ҳам Советларнинг вазифасидир.

Маълумки, бу соҳадаги ишни тегишли ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш керак. Бундай ҳуқуқ нормалари бўлмаса, уларни ишлаб чиқиш лозим. Аммо энг асосий нарса шуки, жамиятимизга наф келтирадиган ташаббусни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишни яхши йўлга қўйиш керак.

Москваликлар бу ишда ҳам ташаббус кўрсатсалар чакки бўлмас эди. Масалан, пойтахтдаги ҳар бир район Совети олдига кооперативчилик асосидаги бир неча тикувчилик устахонаси, ошхоналарни ёки шу хилдаги бошқа корхоналарни вужудга келтиришдек конкрет вазифани қўйиш мумкин. Ана шу йўл билан бу ишнинг яхши томонлари ва нуқсонларини амалда текшириб кўриш, сўнгра эса тўпланган тажрибани умумлаштириш ва кенгроқ кўламда тегишли хулосаларни чиқариб олиш мумкин бўлур эди.

Энди Советларимизнинг иш услуби ва методлари тўғрисида бир неча сўз айтмоқчиман. Советлар, хусусан маҳаллий Советлар оддий совет кишиси тез-тез учрашиб турадиган ҳокимият органларидир. Меҳнаткашлар кундалик эҳтиёжларига доир масалалар юзасидан, бирон масалани ҳал этиш, кундалик турмуш эҳтиёжлари тўғрисида Советларга мурожаат қиладилар.

Бизнинг Совет органларимизда ўз ишини севадиган, ўз райони ёки посёлкаси ҳаётининг ҳамма жиҳатлари тўғрисида ғамхўрлик қиладиган яхши соф виждонли, билимдон кишилар ишламоқдалар. Аммо кишини хафа қиладиган кўнгилсиз ҳоллар ҳам ҳануз содир бўлаётганлиги сир эмас. Ўз Советига келган кишини баъзан меҳр билан кутиб олмайдилар. Уни кўнгил хоҳиши билан қабул қилмайдилар, масалани ҳам ҳал этмайдилар. Ҳал этмоқчи бўлганларида ҳам Совет остонасига ҳа деб қатнайверишга мажбур этадилар.

Одамларни шахсий масалалари юзасидан қабул қилишни эътиборга сазовор бўлмаган майда иш деб ҳисобловчи ўртоқлар ҳам учраб туради. Улар бундан ҳам муҳимроқ ишларимиз бор, деб важ қиладилар. Советлардаги ходимларнинг иши кўп, албатта. Аммо одамларнинг эҳтиёжларига, шу жумладан, уларнинг шахсий талабларига муносабат сира ҳам майда иш эмас. Бу — Совет муассасаси иши қай даражада эканлигидан далолат берувчи муҳим кўрсаткичдир.

В. И. Ленин Совет ҳокимияти органларининг ишида бюрократик бузилишларга қарши изчил кураш олиб бориш зарур, деб кўп марта огоҳлантирганлигини эслатиб ўтмоқчи бўламан. Советлар партия ташкилотларининг кўмагига таяниб, шу хилдаги бузилишларга қарши қатъий кураш олиб боришлари лозим!

XXIV съезднинг қарорларида Советлар омманинг кенг мададига таяниб ишлаганларидагина, уларнинг иши самарали бўлиши мумкин, дейилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ миллионлаб кишилар Советларнинг ишида актив қатнашмоқдалар. Уларнинг сони доим ортиб бормоқда. Бу — яхши иш, Советлар иши чинакам демократизмнинг муҳим кўрсаткичидир. Аммо Советлар теварагида кенг активни вужудга келтириш билан иш битмайди.

Вазифа шуки, Советларнинг барча сайловчилар билан доим алоқа қилиб туришини таъминлаш керак. КПСС Марказий Комитетининг шу йил 5 мартда қабул қилган қарори аҳоли, сайловчилар Советларнинг барча амалий ишларидан хабардор бўлиб турадиган, Советлар амалга оширадиган тадбирларда фаол қатнашадиган тартиб бўлишини таъминлаш зарур эканлигини таъкидлайди. Районлар ва шаҳарлар ҳаётига доир энг муҳим масалалар корхоналарда, ташкилотларда, шунингдек аҳоли истиқомат қиладиган жойларда меҳнаткашлар муҳокамасига қўйилиши керак. Бу тадбир Советлар фаолиятининг қоидаси, нормаси бўлиб қолишига эришиш — янгидан сайланадиган депутатларнинг бевосита бурчидир.

Социалистик демократиянинг моҳияти ижтимоий ишларни ҳал этишга меҳнаткашлар кенг оммасини тобора актив жалб этишдан иборат. Зотан, Советлар социалистик халқ ҳокимиятининг ана шу принципини биринчи навбатда амалга ошириши лозим бўлган ташкилотлардир.

Биз неча марталаб такрорлаган гапни бу ўринда ҳам айтиб ўтиш муҳим кўринади: Советларимиз, уларнинг ходимлари ўзларининг катта ва муҳим меҳнатларида барча партия ташкилотларидан доимо ёрдам ва мадад олиб туришлари лозим. Коммунистларнинг бурчи Советларнинг бутун ишини такомиллаштириш ва активлаштириш учун лозим бўлган ҳамма чораларни кўришдан иборат.

Советлар — бизнинг жонажон халқ ҳокимиятимиздир. Бу ҳокимият революция алангасида туғилди. Улуғ Октябрь «Бутун ҳокимият—Советларга!» деган шиор остида ғалаба қозонди. Совет ҳокимияти мамлакатимизда социализм ғалабасини таъминлаб берди. Ҳозир эса советларнинг бутун фаолияти улуғвор тарихий вазифани ҳал этишга — коммунизм қурилишига қаратилган.

Владимир Ильич Ленин коммунистлар Советлар тўғрисида, уларнинг ролини доимо ошириш ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозимлигини ўз намунасида кўрсатиб берди. Модомики, шундай экан, бу соҳада ҳам улуғ Ленин ишининг муносиб давомчилари бўлайлик, ўртоқлар!

Ўртоқлар! Биз ҳаммамиз якшанба куни Россия Федерациясининг Олий ҳокимият органи — РСФСР Олий Советини тузишда қатнашишимиз лозим эканлиги туфайли бу ерда Россия Совет Федератив Социалистик Республикасини янада ривожлантиришга доир баъзи бир масалаларни тилга олиб ўтиш ўринли бўлур эди.

Кейинги йилларда кўпгина иттифоқдош республикаларда бўлишимга тўғри келди. Ҳамма жойда — Украина ва Грузияда, Қозоғистон ва Арманистонда, Белоруссия ва Озарбайжонда, хуллас, ҳамма жойда рус халқи тўғрисида, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги ҳамма республикаларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида зўр самимият, ҳурмат ва муҳаббат билан гапиришди. Совет Россиясининг ишчилар синфи, деҳқонлари, зиёлилари ана шу самимий миннатдорчилик сўзларига сазовор бўлдилар. Уларнинг меҳнати, ҳоҳиш-иродаси ва ақл-заковати, уларнинг беғаразлиги ва қалб саховати партия миллий сиёсатини амалга оширишда, чор Россиясининг собиқ қолоқ миллий чекка ўлкаларини яшнаб турган социалистик республикаларга айлантиришда муҳим роль ўйнади.

Тенг ҳуқуқли республикалар оиласида РСФСР ўз аҳолиси жиҳатидан ҳам, территорияси жиҳатидан ҳам, ўзининг табиий бойликлари, иқтисодий ва илмий-техникавий потенциали жиҳатидан ҳам етакчи ўрин олиб турибди.

Россия Федерациясининг меҳнаткашлари саккизинчи беш йиллик план вазифаларини муваффақиятли бажардилар. Беш йил мобайнида ишлаб чиқариш фондлари ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари ҳам жадаллашди. 1966—1970 йилларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми бундан аввалги беш йилдагидан 20 процент кўпайди.

Буларнинг ҳаммаси жуда соз, ўртоқлар, лекин тўққизинчи беш йиллик вазифалари, анча узоқ истиқболга мўлжалланган режалар аввалгига қараганда янада кўпроқ ва тезроқ, тағин ҳам кенг жабҳа бўйлаб ҳаракат қилишни талаб этади. Бу жабҳа нақадар кенг бўлса, айни бир вақтда нақадар кўп вазифаларни ҳал этишга тўғри келса, уларни бир-бирига боғлаган ҳолда, мунтазам ва аниқ бир мақсадни кўзлаб ҳал этиш, мамлакатнинг айрим районлари ўртасидаги, халқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳалари ўртасидаги мураккаб ва хилма-хил бир-бирига боғлиқликни эътиборга олиш шу қадар зарур бўлади. Хуллас, масъулиятли қарорларни ишлаб чиқишга бир системада комплекс ёндошиш зарур бўлади. Биз шундай ёндошишни ўзимизга қурол қилиб олганмиз ва уни изчиллик билан амалга ошираверамиз.

Чунончи, яқинда Марказий Комитет Сиёсий бюроси Смоленск областида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги масалани қараб чиқди. Биз проблемага кенг кўламда ёндошишга ва уни область қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари эҳтиёжларини, уларнинг саноат, транспорт, савдо ва бошқа соҳалар билан алоқасини ҳисобга олиб, ҳал этишга интилдик. Шу туфайли Марказий Комитетнинг қарори элеватор, холодильник ва омбор хўжалигини такомиллаштириш, электр линиялар ва подстанциялар барпо қилиш, темир-бетон буюмлари полигони ва йирик панелли уйлар ишлаб чиқарувчи завод қуриш, малакали кадрлар тайёрлаш ва шу сингари бошқа кўпгина масалаларни ўз ичига олади.

Россия Федерацияси областларининг группаларидаги, масалан, Марказий—Қоратупроқ зонаси, Ғарби-Шимолий район, Европа Шимоли, Волга бўйи, Урал ва бошқа районлардаги аҳволни комплекс, атрофлича қараб чиқиш практикасини давом эттириш ва кенгайтириш муҳим. Шу билан бирга ерларни мелиорациялаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ошириш, чорвачиликни ривожлантириш, йўл қурилиши, қишлоқ турмушини ободонлаштириш, кичик шаҳарларнинг келажаги сингари проблемаларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Сибирь ва Узоқ Шарқнинг табиий ресурсларини янада интенсив ўзлаштириш ва иқтисодий потенциалини кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Планда белгиланган топшириқлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, янги беш йиллик мобайнида умумреспублика ишлаб чиқаришида Шарқий районларнинг салмоғи кўпайиши: нефть қазиб чиқариш соҳасида 11,8 процентдан 31,5 процентга, газ қазиб чиқариш 13,4 процентдан 45,4 процентга, кўмир қазиб чиқариш 58,2 процентдан 64,5 процентга, целлюлёза ишлаб чиқариш соҳасида 22,4 процентдан 31,3 процентга етказилиши керак.

Лекин бу, — ишнинг фақат миқдор томони. Айтиб ўтилган кўрсаткичлар нақадар муҳим бўлмасин, РСФСРнинг шарқий районларини келгусида ўзлаштиришдек катта ва масъулиятли вазифани қандай қилиб, қайси йўллар билан, қандай методлар билан ҳал этиш кўзда тутилаётганлиги ҳам жуда муҳимдир. 1971-1980 йилларда Красноярск ўлкасининг ишлаб чиқарувчи кучларини комплекс ривожлантириш тадбирлари тўғрисида яқинда қабул қилинган қарорни мисол қилиб кўрсатишим мумкин.

Шу тадбирларда кучли электр станциялар қуриш ва шу асосда электр энергетика ва электр билан ишлайдиган корхоналарнинг янги базасини, жумладан Шарқий Сибирь электр металлургия комбинатини барпо этиш; йирик нефть химияси комплексини вужудга келтириш; ўрмон ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш; қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни анча кўпайтириш ҳамда озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарини ривожлантириш; илмий муассасалар вужудга келтириш кўзда тутилган. Ўз-ўзидан равшанки, айни бир вақтда уй-жой ва мактаблар, маданият ва коммунал-маиший хизмат муассасалари қуриш ҳам планлаштирилмоқда.

Жуда хилма-хил омилларни — иқтисодий, социал-сиёсий, демографик, географик ва бошқа кўпгина омилларни бир бутун қилиб ўзида бирлаштирган мана шундай характерга ва кўламга эга бўлган қарорлар, жумладан, Братск иқтисодий комплекси, Саян территориал—ишлаб чиқариш комплекси, Ғарбий Сибирь нефть базаси бўйича ҳам тайёрланиши лозим. Келгусида Якутия, Чукотканинг, Узоқ Шарқ ва Сибирнинг бошқа ҳамма районларини ривожлантиришнинг тегишли комплекс программаларини ишлаб чиқишга киришиш зарур.

Партия ана шундай вазифаларни ўртага қўйганида, СССР Фанлар Академиясининг Сибирь бўлимига ва Узоқ Шарқ филиалига катта умидлар боғламоқда. Чунки, бу ўринда гап Россия Федерациясининг бепоён территорияларини ўзлаштиришга чинакам илмий ёндошиш тўғрисида, ҳозирги куннинг актуал вазифаларини мамлакат ривожининг узоқ истиқболини ҳисобга олган ҳолда ҳал этишни назарда тутиб ёндошиш тўғрисида бораётир. Ҳозир биз шундай ишлашимиз кераккки, фарзандларимиз ва набираларимиз биз қураётган бинонинг янги-янги қаватларини барпо этганларида қилиб қўйилган ишларни қайтадан ўзгартиришга эҳтиёж қолмайдиган бўлсин.

Ўртоқлар, ростини айтганда бу улкан вазифалар бир ёки ҳатто икки беш йиллик давомида батамом тўла ҳажмда ҳал қилиб бўладиган вазифалар эмас. Лекин биз ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд резервларни сафарбар қилиб, маҳаллий ташаббусга таяниб кўп иш қилишимиз мумкин.

Кўп миллатли Россия Федерациясининг коммунистлари, меҳнаткашлари партия XXIV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли ҳал этадилар ва Улуғ социалистик Ватанимизни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўртоқлар! Биз — москваликлар ҳаммамиз ажойиб шаҳримизда яшаб ва ишлаб турганлигимиз билан фахрланамиз. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг пойтахти тобора кўркам, тобора обод бўлиши тўғрисида партиямиз доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда.

1935 йилдаёқ ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Совети Москвани реконструкция қилиш бош планини тасдиқлаган эдилар. Бу—жаҳон тарихида шу қадар кенг миқёсдаги биринчи социал ва шаҳарсозлик ҳужжати бўлган эди. Кейинги йилларда аниқланиб, қўшимчалар киритиб борилган шу планга мувофиқ қадимий Россия пойтахтининг қиёфаси жуда ўзгартирилиб юборилди. Совет ҳокимияти йилларида Москва аҳолиси деярли тўрт баравар кўпайиб, ҳозир етти миллион кишидан ошиб кетди. Шу вақт ичида шаҳарнинг уй-жой фонди салкам олти баравар кўпайди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш юз баравардан зиёд ортди. Шинам проспектлар ва магистраллар қурилди. Муҳташам бинолар барпо этилди. Метронинг 89 та станцияси ишга туширилди. Ҳақиқатда Москва ҳозир дунёдаги энг обод пойтахтлардан бири бўлиб қолди.

Бироқ шаҳар ҳаётининг мураккаблашиб ва жадаллашиб бораётган мароми, аҳоли эҳтиёжларининг тез ўсаётганлиги янги ечимларни талаб қилмоқда. Бизнинг мақсадимиз Москвани қулай планлаштирилган, замонавий архитектурага, ободонлаштириш ва турмуш санитария-гигиена шароитларининг юксак даражасига эга бўлган намунали коммунистик шаҳарга айлантиришдан иборат. Сизларга маълумки, партия Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети Москвани ривожлантириш ва ўрмон-парк ихота дарахтзори барпо этиш янги бош планининг асосий қоидаларини яқинда тасдиқладилар. Бу планнинг мазмуни кеча газеталарда эълон қилинди. Бу план 1985-1990 йилларгача бўлган даврни, бундан ҳам анча узоқ истиқбол прогнозларини ҳисобга олган ҳолда қамраб олади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида В. И. Ленин архитекторлар билан суҳбатлашган чоғида, Москвани бадиий жиҳатдан мазмунли ва одамлар учун қулай шаҳар қилиб қайта қуриш кераклигини айтган эди. Янги бош план ҳам Лениннинг айни ана шу кўрсатмасини бажаришга қаратилган. Бу план шаҳарсозликнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш ва шу билан бирга Москванинг тарихий таркиб топган ўзига хос қиёфасини сақлаб қолиш асосида тузилган. План пойтахт корхоналарида саноат ишлаб чиқаришнинг икки баравар кўпайтиришни ва шу билан бирга меҳнаткашларнинг ишлаш, яшаш ва дам олиш шароитларини анча яхшилашни кўзда тутади.

Энди гап бу планни амалга оширишда қолди. Пойтахтни ривожлантиришда бутун мамлакат қатнашади, албатта. Лекин асосий вазифаларни москваликлар, шаҳар партия ва комсомол ташкилотлари, касаба союзлари, Москва Совети ва пойтахтнинг район Советлари ҳал қилишлари керак бўлади. Ўз-ўзидан равшанки, Бауман районининг коммунистлари, бутун аҳолиси ҳам катта иш қилиши лозим.

Москваликлар ана шу вазифаларни шараф билан бажарадилар деб ўйлайман. Шу билан бирга сиз, ўртоқларга ўз депутатларингиздан — ҳам районлардаги, ҳам Москва Советидаги, ҳам республика Олий Советидаги депутатларингиздан кўпроқ талаб қилишни маслаҳат бераман. Советларимиз, депутатларимиз съезд қарорларини, беш йиллик вазифаларини бажариш соҳасида ўзлари қилаётган ишни сайловчилар доимо контроль қилиб турганликларини ҳамма вақт сезиб турсинлар. Бу эса ишга фойда етказади, холос. Мен бунга аминман.

Ўртоқлар! КПСС XXIV съездининг сиёсий йўлини амалга ошириш соҳасидаги амалий иш мамлакат ривожининг ички проблемаларинигина эмас, шу билан бирга халқаро сиёсатимизни ҳам ўз ичига олади.

Аниқ мақсадни кўзлаш ва изчиллик, кундалик проблемаларни ҳал этишга перспектив, узоқ муддатли мақсадлар ва вазифалар нуқтаи назардан ёндошиш — Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусияти эканлигини XXIV съезд яна бир карра таъкидлади. Аввалгидек биз социализм мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашаверамиз. Аввалгидек биз ёш миллий демократик давлатлар билан, антиимпериалистик ҳаракатнинг ҳамма кучлари билан жанговар иттифоқ ва дўстликни мустаҳкамлайверамиз. Аввалгидек биз агрессияга қарши чиқаверамиз, бутун дунёда тинчлик учун, ҳарбий блоклар ва гуруҳларни тугатиб, уларнинг ўрнига коллектив хавфсизлик системаларини вужудга келтириш учун курашаверамиз.

Съезддан кейин орадан атиги икки ой вақт ўтган бўлса ҳам, лекин биз ташқи сиёсий фаолиятнинг ҳамма энг асосий соҳаларида олга томон муайян қадамлар қўйдик. Энг сўнгги вақтдаги воқеалар тўғрисида гапирадиган бўлсак, Бирлашган Араб Республикаси билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома тузилганлигини биринчи галда таъкидлаб ўтиш зарур. Шу Шартнома мазмунида Советлар мамлакатининг прогрессив араб давлатлари билан бўлган муносабатларига хос яқин дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик ёрқин тарзда ифодалаб берилди. Биз бу ҳужжатни халқларнинг антиимпериалистик фронти тобора жипслашиб бораётганлигининг яна бир далили деб биламиз.

Канада Бош Министри Трюдонинг Совет Иттифоқига қилган визити якунлари тўғрисида ҳам гапирмоқ керак. Маслаҳатлашиб туриш тўғрисидаги Совет—Канада протоколи, шундан илгари Франция президенти Помпидунинг СССРга қилган визити чоғида имзоланган Совет—Франция протоколи ҳам турли социал тузумдаги давлатлар ўртасидаги актив сиёсий ҳамкорликнинг катта имкониятларини яққол намойиш қилади. Шерикларимиз тинчликни сақлашдан, иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан нақадар кўп манфаатдор эканликларини амалда кўрсатсалар бундай имкониятлар тобора кенгаяверади ва уларни рўёбга чиқариш шунчалик енгиллашаверади. Бу гап ҳозирги замоннинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш сингари жуда катта проблемасига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Бу проблеманинг аҳамияти жуда катта бўлганлиги учун бу борадаги айрим масалаларга муфассалроқ тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Милитаризмга қарши, қуролсизланиш учун кураш Ленин замонидан бери ҳамиша Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиб келган. Мамлакатимиз, партиямиз ҳозир ҳам шу йўлга содиқ бўлиб қолмоқдалар. КПСС XXIV съезди ҳужжатлари, шу ҳужжатларда айрим тадбирларни кўришга ҳам, шунингдек ялпи ва тўла қуролсизланиш пойдеворини вужудга келтиришга ҳам қаратилган конкрет таклифларнинг бутун бир комплекси таърифлаб берилганлиги бунинг яна бир далилидир.

Совет давлати бу хилдаги таклифларни ўтмишда ҳам неча марталаб ўртага қўйган эди-ку, лекин бошқа томон ўша таклифларни қабул қилмаган эди, — дейишлари мумкин. Ҳали ҳам капитализм мавжуд бўлиб турган, халқаро вазиятга империалистик давлатлар анчагина таъсир ўтказиб турган ҳозирги дунёда қуролсизланиш, қурол-яроғлар пойгасини чеклаш планлари реал эмаслигидан далолат бермайдими? — дейишлари мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, қуролсизланиш учун кураш-мураккаб иш. Ташқи сиёсатнинг бошқа кўпгина масалаларида бўлгани каби бу масалада ҳам империалистик кучларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келишга тўғри келади. Лекин шундай бўлса ҳам, биз КПСС XXIV съезди ўртага қўйган таклифларни пропаганда шиорлари деб эмас, балки бизнинг давримизда тобора эришиш мумкин бўлган сиёсий мақсадларни ифодалайдиган ҳаракат шиорлари деб биламиз.

Масалани шу тарзда қўйиш учун бизга имкон бераётган нарса нима? Аввало, бу, дунёдаги кучларнинг — ҳам ижтимоий-сиёсий ҳам ҳарбий кучларнинг нисбатида содир бўлган ўзгаришлардир.

Бундан атиги бир неча йил муқаддам империалистлар, аввало, Америка империалистлари қуролланиш пойгаси ёрдамида ўзларининг жаҳон майдонидаги позицияларини мустаҳкамлаб олишни, айни вақтда СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар экономикасини заифлаштиришни, бизнинг тинч қурилиш планларимизни барбод қилишни жиддий равишда умид қилган эдилар. Эндиликда душманларимизнинг бундай умидлари барбод бўлганлиги мутлақо равшан бўлиб қолди. Социализм пухта мудофаани ҳам, экономикани ривожлантиришни ҳам таъминлай оладиган даражада кучли эканлигини эндиликда ҳамма кўриб турибди, лекин биз мудофаа эҳтиёжларига катта маблағ сарфламаганимизда хўжалигимизни анча тез ривожлантира олган бўлур эдик.

Иккинчи томондан, империалистлар, шу жумладан, бадавлат капиталистик мамлакат бўлган Америка Қўшма Штатларининг ўзидаги империалистлар ҳам тўхтовсиз қуролланиш пойгасининг салбий иқтисодий ва сиёсий оқибатларини тобора кўпроқ ҳис қилмоқдалар. Катта-катта ҳарбий харажатлар капитал мамлакатларида сурункали инфляцияни вужудга келтирмоқда, доимий валюта — молия кризисларини келтириб чиқармоқда, кескинлашиб бораётган ички проблемаларни ҳал этишни қийинлаштирмоқда.

Айни вақтда милитаризм ва агрессия сиёсатидан меҳнаткашларнинг норозилиги кучайиб бормоқда. АҚШда урушга қарши ҳаракат тобора оммавий тус олмоқда, ҳукуматга кучли тазйиқ ўтказмоқда. НАТОнинг бошқа мамлакатларида ҳам ҳарбий харажатларнинг ўсишига қаршилик кучайиб бормоқда. Натижада ҳатто Ғарб давлатлари ҳукмрон доираларининг бир қисми орасида ҳам қуролланиш пойгасига шак-шубҳасиз неъмат келтирувчи бир ҳол эмас, деб қараш ўсиб бормоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси социалистик ва бошқа тинчликсевар мамлакатларнинг қуролланиш пойгасига қарши курашини бирмунча енгиллаштиради, албатта. Бу кураш аввалгига қараганда анча реал иш бўлиб қолмоқда.

Шундай вазиятда стратегик қурол-яроғларини чеклашга доир Совет—Америка музокараларининг аҳамияти шубҳасиз ортиб бормоқда, бу музокараларнинг ижобий тугалланиши иккала мамлакат халқларининг манфаатларига ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш вазифасига мос тушган бўлур эди, деган фикрдамиз.

Иккала томоннинг тенг хавфсизлиги принципига қаттиқ риоя этиш, бошқа томон ҳисобига қандайдир бир томонлама афзаллик олишга уринишдан воз кечиш ана шу музокаралар муваффақиятининг ҳал қилувчи белгиси эканлиги тўғрисида илгари ҳам гапириб ўтган эдим. Шу сабабли, Қўшма Штатлар ҳукумати ҳам конструктив позицияга ўтади, деб умид қилгимиз келади.

Тенг хавфсизлик принципини оғизда Вашингтон ҳам тан олади. Амалда эса, Америка томони шу принципни изчиллик билан ўтказишга ўзини ҳеч мажбур қила олмаётир. Масалан, Қўшма Штатларда, айниқса Вашингтонда навбатдаги ҳарбий бюджет қабул қилиниши арафасида Совет Иттифоқининг мудофаа программалари хусусида доимо шовқин-сурон кўтарадилар. Мудофаани мустаҳкамлаш учун биз кўраётган тадбирлар ҳатто «хиёнаткорлик», музокараларнинг муваффақиятига бевосита хавф солиш деб кўрсатилмоқда. Лекин, модомики Америка ҳукуматининг ўзи музокаралар олиб борилаётган давр ичида ўзининг стратегик кучларини кўпайтириш соҳасида бир нечта жуда муҳим қарорлар қабул қилган экан, Вашингтон бизнинг илгари қабул қилинган программаларимиздан воз кечишимизни кутиш учун қандай асосга эга? — деган савол туғилади. Ўз ҳаракатлари билан бошқа томоннинг ҳаракатларини баҳолашда икки хил мезондан, икки хил стандартдан воз кечиш пайти аллақачонлар келган.

Бу гап ракеталаргагина тааллуқли эмас. АҚШнинг пропаганда машинаси совет ҳарбий денгиз флоти хусусида бутун бир кампанияни бошлаб юборди. Буни қарангки, Вашингтондагилар бизнинг кемаларимиз Ўрта денгизда, Ҳинд океанида, бошқа денгизларда пайдо бўлаётганлигини хавф деб билмоқдалар. Лекин шу билан бирга ўзларининг олтинчи флоти Ўрта денгизда, Совет Иттифоқининг ёнгинасида, еттинчи флот эса Хитой ва Ҳинди—Хитой соҳиллари яқинида доимо туришини Америка сиёсатчилари нормал ва табиий бир ҳол деб ҳисобламоқдалар.

Буюк давлатларнинг ҳарбий флотлари ўз соҳилларидан жуда узоқ жойларда кўп вақт изғиб юришини биз ҳеч қачон жуда яхши аҳвол деб ҳисоблаган эмасмиз ва ҳозир ҳам бундай деб ҳисобламаймиз. Зотан, биз бу проблемани ҳал этишга, лекин тенг даражада ҳал этишга тайёрмиз.

Совет Иттифоқи ҳар қандай таклифларни ана шундай принциплар асосида муҳокама қилишга тайёр. Биз ўз томонимиздан съездда бир қанча ташаббусларни — оммавий қирғин қуролининг ҳамма турларини тақиқлаш тўғрисидаги, давлатларнинг ҳарбий бюджетларини қисқартириш ҳақидаги, ядро қуроли синовларини батамом тўхтатиш тўғрисидаги ташаббусларни кўтариб чиқдик. Биз ядро қуролига эга бўлган беш давлат — Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Қўшма Штатлар, Англия ва Франциянинг конференциясини чақиришни ҳам таклиф қилдик. Биз ана шу таклифларга жавоб кутмоқдамиз. Жаҳон жамоатчилиги ҳам шу жавобни кутмоқда.

Бизнинг таклифларимиз орасида Европадаги қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги таклиф ҳам борлигини биласиз. Бу — катта ва мустақил масала бўлиб, биз ва иттифоқчиларимиз шу масала хусусида неча бор тегишли мулоҳазаларимизни баён этдик. Бу масалани ҳал этиш йўлидаги амалий натижалар Европа қитъасида кескинликни юмшатиш ва мустаҳкам тинчлик учун катта аҳамиятга эга бўлур эди. Совет Иттифоқининг бу масалага доир нуқтаи назари Ғарбдаги кўпчилик мамлакатларда муайян қизиқиш билан кутиб олинганлигини мамнуният билан таъкидлаш мумкин. НАТОнинг яқинда Лиссабонда бўлиб ўтган сессияси ҳам шу масала билан шуғулланишга мажбур бўлди. Лекин биз ҳали аниқ бир жавоб олганимиз йўқ. Бизга: сизларнинг таклифингиз ажнабий қуролли кучларнинг ўзигагина тааллуқлими ёки миллий қуролли кучларни ҳам ўз ичига оладими? — деган саволни ҳали ҳам бермоқдалар. Биз бу саволга: унисини ҳам, бунисини ҳам муҳокама қилишга тайёрмиз, деб жавоб беришимиз мумкин. Ўз навбатида биз ана шу муҳим масалаларнинг бутун комплексига лозим даражада эътибор беришга тайёр эканлигимизни яна бир карра таъкидлаймиз. Биз ўз иттифоқчиларимиз билан яқин алоқада ҳаракат қилишимиз равшан.

Партия XXIV съезди қарорларига содиқ бўлган КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати совет халқининг осойишта, тинч меҳнат қилиши учун, ер юзидаги ялпи тинчлик негизларини мустаҳкамлаш учун ҳамма шарт-шароитларни таъминлаб беришга қаратилган ташқи сиёсатни бундан буён ҳам кунт билан актив ўтказа берадилар, деб сизларни ишонтиришга ижозат бергайсиз, ўртоқлар. Бу — ленинча ташқи сиёсат йўлидир, биз шу йўлни изчиллик билан амалга ошираверамиз!

Азиз ўртоқлар! Бўлажак сайловда сизлар, Москва шаҳридаги Бауман районининг сайловчилари барча совет сайловчилари қатори коммунистлар билан партиясизлар блоки депутатликка номзод қилиб кўрсатган айрим кишилар учунгина овоз бермайсизлар, аслида шу блокнинг сиёсий платформаси ҳам овозга қўйилади. Партия XXIV съездининг мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш, совет халқи фаровонлиги ва маданиятини ошириш, совет жамиятини янада жипслаштириш ва социалистик демократияни ривожлантириш, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашнинг аниқ йўлини белгилаб берган съезднинг қарорлари шу платформага асос қилиб олинган. Сайлов партиямиз йўлини бутун халқ маъқуллаётганлигини тўла тўкис исботлайди деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Сўзимнинг охирида ишонч билдирганлигингиз учун сизларга яна бир бор ташаккур айтмоқчиман. Бутун меҳнат ҳаётим давомида бўлганидек, бундан буён ҳам бутун кучимни коммунизм ишига, халқ ишига сарфлайман деб ишонтиришга ижозат бергайсизлар. Коммунист бўлганлигим учун ҳам менинг бундан бошқа манфаатларим, бундан бошқа мақсадларим йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Яшасин партия билан халқнинг бузилмас бирлиги!

Яшасин улуғ социалистик Ватанимиз!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!
Яшасин коммунизм!

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор гулдурос, давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

* * *

Сайловчиларнинг ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви партия билан халқнинг бузилмас бирлигини, пойтахт меҳнаткашлари партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлигини, москваликларнинг КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилаётганликларини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди. (ТАСС).

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети 1971 йилги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини беришга тақдим этиладиган ишларни қабул қила бошлади.

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон меҳнаткашларининг маданиятини юксалтиришга кўмаклашувчи ва жамоатчиликка кенг манзур бўлган, кейинги икки йил ичида мукофотга тақдим этилмасдан камида ярим йил олдин эълон қилинган, халққа кўрсатилган ёки ижро этилган, фойдаланишга топширилган ишлар кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Мукофотлар олишга мўлжалланган ишларни министрликлар, идоралар, ижодий союзлар ва ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари, республика олий ўқув юртлари, республика газеталари ва журналларининг редколлегиялари, нашриётлар, жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг йиғилишлари тақдим этишлари мумкин.

Ишлар 1971 йил 15 августга қадар қабул қилинади.

Мукофотга тақдим этиш билан алоқадор масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетига қуйидаги адрес бўйича мурожаат қилинади: Тошкент шаҳри Пушкин кўчаси, 1-уй (Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи биносида).

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ САМАРАСИ

УЧҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ СОВХОЗНИНГ ЧОРВАЧИЛИКНИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА ЎТКАЗИШДАГИ ТАЖРИБАСИ ҲАҚИДА

◆ 300 ТОННА ЕКИ ПЛАНДАГИДАН 50 ТОННА КЎП ГЎШТ. ◆ 1300 ТОННА ЕКИ ПЛАНДАГИДАН 175 ТОННА КЎП СУТ. ◆ ҚОРАМОЛ ОҒИРЛИГИ 370 КИЛОГРАММ ЭДИ, 450-500 КИЛОГРАММ БЎЛАДИ. ◆ 127 ТОННА ЕКИ ПЛАНДАГИДАН 45 ТОННА КЎП ЧУЧҚА ГЎШТИ. ◆ БУЛТУРГИ 64 МИНГ СЎМ СОФ ФОЙДА БУ ЙИЛ 200 МИНГ СЎМ БЎЛАДИ.

Совхоз экономикасида пахтачилик асосий ўрин тутади. Хўжалик ўтган беш йиллида она-Ватанга 47.900 тонна пахта етказиб берди. Беш йил давомида етиштирилган ялпи пахта ҳосилининг ўртача 52 процента «зангори кема»ларда териб олинди. Шу даврда меҳнат унумдорлиги айрим тармоқлар бўйича 25-30 процент кўтарилди, ҳар центнер маҳсулот етиштиришга кетган сарф-харажат 25 процент атрофида камайди. Натижада совхознинг ялпи даромади, ишчиларнинг шахсий иш ҳақи кескин ошди.

Пахтачиликни биринчи ўринда тилга олишимизнинг боиси шуки, пахтачиликнинг ривожлантирилиши чорвачиликни ҳам тараққий эттиришнинг муҳим омилига айланди. Чунки, пахта-беда-маккажўхори almашлаб экиш хўжалик фаолиятида тобора кенг ўрин олмоқда.

Хўжалигимизда ўтган беш йиллида чорва маҳсулотлари етиштириш қуйидагича характерланади: 1966 йилда 2426 центнер гўшт тайёрланган бўлса, 1970 йилга келиб салкам 3 минг центнер гўшт тайёрланди. Шу даврда сут тайёрлаш 8400 центнердан 11437 центнерга етказилди. Биз бундай муваффақиятга чорва моллар туёғини кўпайтириш маҳсулдорлигини ошириш йўли билан эришдик. Совхозимиз меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини зўр мамнуният билан муҳокама қилиб чиққач, қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар.

Беш йилликнинг биринчи даврасида — 1971 йилда она-Ватанга 12 минг тонна пахта етказиб берамиз. Унинг 8400 тоннасини машиналарда териб оламиз. Ҳар центнер пахта таннархини 28 сўмга туширишни мўлжаллаган эдик. Съезд қарорларидан кейин режаларимизни қайта кўриб чиқиб, ҳар центнер пахта етиштиришга кетадиган харажатни яна 2 сўмга камайтиришга қарор қилдик. Бу ўртача 240 минг сўм маблағ тежаб қолинади, демоқдир. Ундан ташқари 12 минг тонна пахтанинг ҳаммаси заводга қоп-қанорсиз ташиб берилади. Ҳар бир терим машинасида ўртача 100 тонна пахта терилади. Бу бултургидан ҳар бир машина ҳисобига 45 тонна кўп демакдир.

Умуман совхозимиз бўйича мавсумда 84 терим машинаси ишлайди. Шунга етарли механизатор кадрларга эгамиз. Улар «зангори кема»ларни 2 сменада ишлатадилар. Машина терими учун ҳозирдаёқ майдонлар ажратилиб, ғўзалар шунга мослаб парвариш қилинянти. Қайси пайкалда қачон дефолиация ўтказиш ҳам аниқлаб олинди. **Мақсадимиз битта: йиллик пахта тайёрлаш планини Октябрь байрами кунида бажарамиз. Ҳар машинада камида 100 тонна пахта терамиз. 180-200 тонна пахта тераётган илғор механик-ҳайдовчиларнинг иш тажрибасини оммавий ҳаракатга айлантирамиз.**

Биз «Тошкент-2» навли чигит ғўзасини ўстиряпмиз. Ундан ўзимиз ва бошқа хўжаликлар учун уруғлик чигит тайёрлаймиз. Ана шу уруғлик экилган участкаларда қўл терими ўтказамиз, геримчилар иш унумини бултургига нисбатан 20 процент оширамиз.

Лекин бу билан чеклана олмаймиз. Июнь ойида ҳамма майдонларда икки марта, июль ойида эса 2,5 марта парвариш ўтказамиз. Августни ҳосилга ҳосил қўшиш ойи деб эълон қиламиз. Ҳаво иссиқ келаётган ҳозирги дамларда ғўзанинг чанқаб қолишига йўл қўймаймиз. Тезроқ ҳосилга киритиш, ҳосил тугунчаларини кўпайтириш, уни барвақт етилтириш учун озиқлантиришни бутун чоралар билан кучайтирамиз. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши қаттиқ кураш олиб борамиз.

1971 йил чорвадорларимиз учун айниқса синов йилидир. Биз чорва масулотлари меҳнаткашларнинг дастурхонига файз киритишини, енгил саноатнинг хом ашёга бўлган ва тобора ортиб бораётган эҳтиёжини қондиришни яхши биламиз. Шу сабабли бутун куч ва имкониятларни ишга солиб, чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бу йил давлатга 300 тонна бўрдоқи ва сўқим гўшти армуғон этамиз. Бу, давлат планида белгиланганидан 50 тонна кўп демакдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз чорвачиликни ривожлантиришда туёқ сонини кўпайтиришга нақадар катта аҳамият берсак, бўрдоқичиликка ҳам эътиборни шунчалик кучайтирамиз. Масалан, ҳозир фермаларимизда ишлаб чиқариш планида белгиланган қорамол, қўй, чўчқа, йилқиларга эгамиз. Айни вақтда уларни хилма-хил озуқалар билан боқиб, тез семиртиряпмиз, кўплаб насл оляпмиз сут ва гўшт етиштиришни кўпайтиряпмиз.

Бултур ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 370 килограммга етказиб гўштга сотган эдик, шу йилдан бошлаб 450-500 килограммга етказиб гўштга сотишга аҳд қилдик. Биринчи ярим йиллик план ҳисобига фақат сўқим ва бўрдоқи гўшти топширдик.

Сут етиштиришни кўпайтириш борасида ҳам катта режалар белгиладик. **Бу йил халқимизга 1300 тонна серқаймоқ сут армуғон этамиз. Бу, планда курсатилганидан 175 тонна кўп. Ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, ҳар бош сигирдан олинадиган сутни 2500 литрга етказиш мумкин, деган қарорга келдик.** Қўлбола бузоқлар олиш ҳисобига сигирлар зотини яхшилаб бормоқдамиз.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришда чўчқачилик катта ўрин тутади. Беш йилликнинг биринчи даврасида планга қўшимча 45 тонна чўчқа гўшти тайёрлаб, ялпи миқдорни 127 тоннага етказамиз. **Умуман 1971 йилда чорвачиликдан бултурги 64 минг сўм ўрнига 200 минг сўм соф фойда оламиз.**

Хўжалик ҳисоби дегани — ички имкониятлардан самарали фойдаланиб, чорвачиликни интенсив тарзда тараққий эттириш, чорва молларни фермалар бўйича тўғри жойлаштириш, мустаҳкам ем-хашак базасига эга бўлиш, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналар гарданига ортиш демакдир. Биз чорвачиликда ички хўжалик ҳисобини кенг жорий этмоқдамиз.

Бунда подалардаги моллар сонини кўпайтиришни нўзда тутмоқдамиз. Илгари қорамоллар ва чўчқалар бўлимлар бўйича тарқоқ ҳолда сақланар эди. Энди эса улардан махсус фермалар туздик. Фермаларга маълумотли, ташкилотчи, чорвачиликка ихлосманд кишиларни ишга қўйдик. Ҳар бир фермага конкрет топшириқ — заказ бердик. Унинг ижроси устидан қаттиқ назорат олиб боряпмиз. Натижада урғочи чорва молларининг қисир қолиши деярли тугатилди.

Ҳар юз бош сигирдан 100 тага етказиб бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 125 тадан қўзи, ҳар бош асосий она чўчқадан 35 тага яқин чўчқа боласи олмоқдамиз. Шу йўл билан сўнгги йиллардагина наслли сигирлар сонини пландаги 12 процент ўрнига 20 процент яхшиламоқдамиз. Бу, сут етиштиришни кўпайтиришда катта роль ўйнамоқда.

Хўжалик ҳисобининг жорий қилиниши ферма ходимларининг ишга бўлган қизиқишини ва шахсий манфаатдорлигини кучайтирмоқда. Кўп маҳсулот етиштириб, кўп ҳақ олишгу, қандингизни уринг! Бугунги шиоримиз шундай. Хўжалик ҳисоби кенг йўлга қўйилиши туфайли сигирларнинг боқими яхшиланди. Натижада фақат сутгина эмас балки унинг таркибидаги мой ҳам кўпайди. Бунда механизация катта роль ўйнаганини алоҳида таъкидлаш керак.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториямиз бор. Унда малакали ходимлар иш олиб боради. Соғилган сут икки марта лабораторияга анализдан ўтказилади. Сут ёки мой миқдори камайса, дарҳол озуқа рационига ўзгариш киритилади ва бошқа тадбирлар амалга оширилади. Илгари сут таркибидаги мой камлиги туфайли ҳар йили 20 тоннагача сут йўқотиларди. Хўжалик ҳисобида ишлашга кўчгач, сут таркибидаги мой 3,8-4 процентга етди. Натижада харидорлар кўпайди, давлатдан катта қўшимча даромад оляпмиз, 20 тонна сут тежаб қолияпти.

Хўжалик ҳисоби яхши самаралар беришини яна бир мисолда кўрсатиб тўмоқчимиз. Илгари турли касалликлар туфайли сигирларнинг сути гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб турар эди. Бу борада чорвачилик мутахассисларининг роли ва масъулиятини оширдик, улар чорва моллрини зоотехника қоидалари асосида парвариш қиляптилар, айни пайтда яхши манфаат кўряптилар. Биз бундан кейин ҳам хўжалик ҳисобида ишлашни бутун чоралар билан кучайтираверамиз.

Партия XXIV съездида чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун мустаҳкам озуқа базасига эга бўлиш зарурлиги алоҳида уқтирилди.

Биз бу борада ҳам анча ишлар қилдик. Суғориладиган озуқа экинлари майдонидан камида 2 марта мўл-кўл озуқа ҳосили олишни бош вазифа қилиб қўйдик. Озуқабоп экинларни аралаштириб экишга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

1970 йилда кенг майдонларга беда билан маккажўхорини аралаштириб экиб, ҳар гектаридан 500 центнердан силосбоп ҳосил ва 45 центнердан беда пичани олдик. Бу билан қишлов учун анчагина тўйимли озуқа жамгардик. Бу йил ана шу тажрибани кенг қўллаб, 60 гектар майдонда аралаш озуқа экинларидан юқори ҳосил етиштирмоқдамиз. Умуман озуқа экинлари майдони 1220 гектарга етказилди. Шу жумладан 250 гектар ерда ем учун арпа ўстириб ҳосилини ўриб олдик. 150 гектар майдонда эса силос учун маккажўхори гибриди ўстирмоқдамиз.

1970 йилда давлатга 70 тонна витаминли ун сотган бўлсак, 1971 йилда бу миқдорни 500 тоннага етказамиз. Шундай қилиб, яқин икки-уч йил ичида хўжалигимиздаги барча чорва молларини ўзимизда етиштирилаётган ем-хашак билан тўла таъминлаймиз, давлатдан ем-хашак харид қилмаймиз.

1971 йил қишлови учун 2500 тонна хашак тайёрлаймиз, 7 минг тонна силос бостирамиз, 500 тонна сенаж жамғарамиз. Бу, чорва маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан беш йиллиннинг биринчи босқичида зиммамизга олган социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажаришимизда муҳим омил бўлади.

Республикамиздаги ҳамма чорвадорларни чорвачиликда рентабелликни кучайтиришга, тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашга чақирамиз.

Ф. ТУРСУНОВ,
совхоз директори.
Р. ИБРОҲИМОВА,
партия комитетининг секретари.
Т. ОХУНОВ,
бош агроном.
С. ВОЛЬФ,
бош зоотехник.
Ф. ҚОЗОҚОВ,
ферма бригадири.

Сиз ушбу суратда Ленин номли совхознинг чорва хўжалигини гуллатаётган жонкуярлардан бир группасини кўриб турибсиз. (Чапдан) совхоз бош зоотехниги С. Вольф, ветеринария врачи К. Султонов ва сут-товар фермасининг ходимлари А. Аҳмедов, Э. Тошбоев, А. Қушбоқов Н. Содиқов ўртоқлар бўлажак ишлар ҳақида суҳбатлашмоқдалар. А. Тўраев фотоси.



ҚУЁНЧИЛИК — СЕРДАРОМАД СОҲА

Фарғона область Риштон районидаги Куйбишев номли колхозда қуёнчиликка асос қўйилди. Бу ерда 400 та қуён боқилмоқда. Колхоз қуёнбоқарлари ҳозирдаёқ 328 килограмм қуён гўшти топширдилар. Йил охиригача қуёнлар сони 1000 тага етказилади. Суратда колхоз қуёнбоқари Хайрулла Эрназаровни кўриб турибсиз. Пастдаги суратда эса колхоз қуёнчилик фермасининг умумий кўрниши.

С. Безносов фотолари.

КАТТА РЕЖАЛАР

«Главсредазирсовхозстрой» коллективларининг 1971 йилга олган

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Қурилиш-монтаж ташкилотлари, саноат корхоналари, совхозлар, «Средазгипроводхлопок» институти ва ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси коллективлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди тарихий қарорларидан илҳомланиб, комплекс қурилиш, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, пахта, шоли ва беда етиштириш суръатларини тезлаштириш, сифатини яхшилаш ҳамда 1971 йилда иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдилар:

янги суғориладиган 24 минг гектар ер, шу жумладан Мирзачўлда планга қўшимча равишда 4 минг гектар ер ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаб қўйилади;

умумий саҳни 314 минг квадрат метр, шу жумладан планга қўшимча равишда 30 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. Шундан «Голодностепстрой» бошқармаси бўйича пландаги 162 минг квадрат метр ўрнига 188 минг квадрат метр, «Каракалпакирсовхозстрой» бошқармаси бўйича пландаги 27 минг квадрат метр ўрнига 28 минг квадрат метр уй-жой қурилади;

пландаги 2250 ўрнига 3 минг ўринли умумий таълим мактабларни, 930 ўрнига 1530 ўринли болалар муассасалари, 100 ўрнига 160 ўринли касалхона, 2 минг ўрнига 2425 ўринли клублар фойдаланишга топширилади;

4 минг бош қорамолга, шу жумладан «Голодностепстрой» бошқармаси бўйича 3200 бош қорамолга мўлжалланган молхоналар қуриб фойдаланишга топширилади;

29 ишлаб чиқариш хўжалик марказлари (ИХМ), шу жумладан «Голодностепстрой» бошқармаси бўйича 26 ИХМ қуриб фойдаланишга топширилади;

топшириқдаги 115 ўрнига 135 бригада дала шийпони, шу жумладан «Голодностепстрой» бошқармаси бўйича 120 бригада дала шийпони қуриб фойдаланишга топширилади.

Мирзачўлда пландаги 1600 километр ўрнига 2100 километр ёпиқ ётиқ дренаж қуриб фойдаланишга топширилади.

230,4 миллион сўмлик ҳажмдаги пудрат ишлари йиллик плани 1971 йил 25 декабрда бажарилади.

270 минг тонна, шундан планга қўшимча 98 минг тонна пахта етиштирилиб, давлатга топширилади, шу жумладан «Голодностепстрой» бўйича пландаги 172 минг тонна ўрнига 250 минг тонна пахта етиштирилиб, давлатга топширилади.

«Каракалпакирсовхозстрой» совхозлари пландаги 57,6 минг тонна ўрнига 62 минг тонна шоли етиштириб, давлатга пландаги 46,9 минг тонна ўрнига 50 минг тонна шоли топширадилар.

Бошқарма совхозлари 52,7 минг тонна, шу жумладан «Голодностепстрой» бошқармаси 38,5 минг тонна, «Каракалпакирсовхозстрой» бошқармаси 11,5 минг тонна беда пичани етиштирадилар; жами 828 тонна, шу жумладан «Голодностепстрой» бошқармаси 750 тонна ва «Караналпакирсовхозстрой» бошқармаси 56 тонна беда уруғи етиштиради.

Саноат корхоналари пландаги 64,3 миллион сўмлик ўрнига 66,5 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Уй-жой қурилишида индустриал методларни кенг қўлланиб, 1971 йилда йирик блоклардан уйжой қуришда 32 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Ўтган йили 25,2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, бу йил 28 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш планлаштирилган эди.

Қарши магистрал каналида ПК-8 маркали янги иккита машина ҳамда Мирзачўл ва Қарши ҳўли совхозларидаги ёпиқ ётиқ дренажлар қурилишида ЭД-3,0 маркали дренаж ётқизувчи 10 та машина тайёрланиб, ишга туширилади.

Ишни яхши ташкил этиш, қурилишни индустриалаш ва механизациялаш даражасини ошириш ҳамда илғор иш усулларини кенг қўлланиш ҳисобига қурилишда топшириқда берилганига нисбатан меҳнат унумдорлигини 0,5 процент оширишга эришилади.

Материал ва конструкциялардан оқилона фойдаланиш, иш сифатини яхшилаш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ва тежамкорлик ҳисобига қурилишда, саноатда ва совхозларда таннарх планда кўзда тутилганидан 600 минг сўмлик камайтирилади

Қурилишлар ва саноат корхоналарини малакали ишчилар билан таъминлаш мақсадида 7900 киши асосий касбларга ўргатилади ва 950 кишининг малакаси оширилади

Ишларнинг лойиҳа ҳужжатлари графикдагидан 10-15 кун илгари топширилади.

Социалистик мажбуриятлар «Главсредазирсовхозстрой»нинг партия-хўжалик активи йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

Китоб райони (район партия комитетининг секретари **Т. Чориев**, район ижроия комитетининг раиси **Х. Жонқулов**, район комсомол комитетининг секретари **С. Эгамова**, бош пилла қуритиш пунктининг директори **Б. Узоқов** ўртоқлар).

Қўшқўпир райони (район партия комитетининг секретари **Н. Матёқубов**, район ижроия комитетининг раиси **К. Ғаффоров**, район комсомол комитетининг секретари **М. Тожиев**, бош пилла қуритиш пунктининг директори **А. Отаниёзов** ўртоқлар).

Шовот райони (район партия комитетининг секретари **А. Бобожонов**, район ижроия комитетининг раиси **И. Хўжаев**, район комсомол комитетининг секретари **Ф. Душамов**, бош пилла қуритиш пунктининг директори **Г. Худойберганов** ўртоқлар).

Гурлан райони (район партия комитетининг секретари **Х. Раҳимов**, район ижроия комитетининг раиси **Қ. Уразметов**, район комсомол комитетининг секретари **У. Сафаева**, бош пилла қуритиш пунктининг директори **Б. Собиров** ўртоқлар).

Қува райони (район партия комитетининг секретари **О. Алихонов**, район ижроия комитетининг раиси **М. Раҳматов**, район комсомол комитетининг секретари **М. Жайнанов**, бош пилла қуритиш пунктининг директори **М. Нурматов** ўртоқлар).

ПИЛЛАМИЗ — ТИЛЛАМИЗ

Республика областларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 11 июнга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — мавсум бошидан буён тайёрланган пилла (тонна ҳисобида); иккинчи стун — планнинг бажарилиш процанти; учинчи стун — бир кунда тайёрланган пилла (процент ҳисобида).

ХОРАЗМ	1500,1	118,0	2,5
БУХОРО	2609,5	113,4	—
ТОШКЕНТ	1538,8	112,3	0,4
СИРДАРЁ	436,3	111,3	0,3
АНДИЖОН	3143,0	108,4	0,1
ҚАШҚАДАРЁ	1236,4	107,5	0,2
ФАРҒОНА	4530,4	100,7	0,2
НАМАНГАН	2011,1	100,5	0,1
СУРХОНДАРЁ	703,0	100,4	—
Самарқанд	2084,9	94,7	0,6
ҚҚ АССР	556,9	85,7	3,8
Республика бўйича:	20350,5	104,3	0,5

ИШЧАН АГИТКОЛЛЕКТИВ

23-сайлов участкаси Оржоникидзе районидаги «Дўрмон» совхози марказида жойлашган. Бу ерда Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳамда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Совхознинг комсомол ёшлардан иборат агитаторлари сайловчиларга хизмат кўрсатишни, уларнинг турли саволларига жавоб беришни, колхозчилар орасида тушунтириш ишлари олиб боришни ўзларининг шарафли бурчлари деб биладилар.

Участка агитпункти шинамгина безатилган. Столлар устига КПСС XXIV съезди материаллари ва сайловга оид турли брошюралар дил билан териб қўйилган.

32 кишидан иборат агитаторлар группаси ўз фаолиятларини кучайтириб, сайловчилар орасида агитация ва пропаганда ишларини қизғин олиб боряптилар. Айниқса, республикамиз Олий Советига, меҳнаткашлар депутатлари область, район ва маҳаллий Советларига сайланадиган депутатларининг номзодлари кўрсатилгандан сўнг, агитаторларнинг ишлари янада кўпайди.

Агитаторлар қизиқарли суҳбат ва лекцияларини сайловчилар меҳнат қилаётган жойларда, хонадонларда ўтказмоқдалар.

Ф. ИСАЕВ,
В. КОМИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советлари, республикадаги меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари сайлови олдидан қарийб уч ой давом этган тайёргарлик кампанияси тугай деб қолди. Ҳамма жойда йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда Советларнинг барча бўғинлари депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган кишилар ўз сайловчилари билан учрашдилар. Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари меҳнаткашларнинг наказлари, мулоҳазалари ва таклифларини умумлаштирмоқдалар, уларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар.

Республикадаги беш ярим миллиондан ортиқ сайловчи 13 июнда ўз вакилларини давлат ҳокимияти органларига сайлаш, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодларини ёқлаб овоз бериш учун сайлов қутиларига ёнига келади. Овоз бериш учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилганми, сайлов куни алоқа воситалари қандай ишлайди? Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг 11 июнда ўтказилган мажлиси шу масалаларни қараб чиқишга бағишланди.

Мажлисда ҳамма жойда сайлов олди тадбирлари сайлов тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Сайлов комиссиялари сайлов куни бажариладиган вазифаларини белгилаб олдилар. Сайлов участкаларида овоз бериш учун кабиналар ўрнатилди, белгиланган нусхадаги сайлов яшчиклари бор, бюллетенлар олинди, сайловчиларнинг рўйхатлари сўнгги марта аниқлаб чиқилмоқда. Агитаторлар ўзларининг гражданлик бурчларини бажариш илтимос қилинган таклифномаларни сайловчиларга топширдилар. Барча участкалар байрамдагидек безатилди.

Комиссиянинг мажлисида Ўзбекистон ССР алоқа министрининг ўринбосари Ш. Ш. Шомуҳамедов сайлов куни алоқа воситаларининг ишини уюштириш тўғрисида ахборот берди. Алоқа министрлиги ва маҳаллий ташкилотлар ишлаб чиққан алоқа системаси овоз беришнинг борини ва сайлов якунлари тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида олинишини тамомила таъминлайди. Сайлов комиссияларининг кўпчилиги электр алоқаси билан таъминланган, баъзи участкаларда кўчма радиостанциялар ўрнатилган. Сайлов куни телеграф пунктларида ва шаҳарлараро телефон станцияларида тажрибали ходимлар навбатчилик қилади.

Марказий сайлов комиссияси комиссиянинг сайлов куни бажарадиган ишларини ташкил этиш билан боғланган масалаларни ҳам караб чиқди. (ЎзТАГ).

СПОРТ

ЯНГИЛИКЛАР

Тошкентликлар ғалабаси

Молдавиянинг пойтахти Кишиневда сув тўпи усталари — ватерполистлар ўртасида қизғин мусобақалар бўлди. «А» класси учинчи группасига кирувчи командаларнинг ўзаро беллашувида Тошкентнинг «Меҳнат» спорт жамияти ўйинчилари тбилисилик, горькийлик, киевлик днепропетровсклик ҳамда Каунас шаҳри ватерполистлари устидан ғалаба қозониб, Ленинград командаси билан ўйинни 5:5 ҳисобида дуранг қилишди. Кишиневликлардан (4:5) ва севастополликлардан (6:7) мағлубиятга учраб умумхисобда иккинчи ўринни эгалладилар. Энди тошкентлик меҳнатчилар келаси йилдан бошлаб иккинчи группада куч синашадилар.

Аёллар мусобақасида

Сочи шаҳрида аёллар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатининг ярим финал мусобақалари ниҳоясига етди. Қизғин курашларда 15 га яқин кучли шахматчилар ўзаро «жанг» қилдилар. Мусобақада иштирок этган тошкентлик спорт мастери Алла Микртчян юқори натижаларни қўлга киритди. У, 14 учрашувда рақибларидан устун келиб жами 11 очко тўплади ва биринчиликни эгаллашга муваффақ бўлди.

Пешқадамликка даъвогарлик

«А» класси иккинчи лига футбол коллективларининг навбатдаги турида республикамиз командалари қуйидаги натижаларга эришдилар. «Зарафшон» — «Политотдел» 1:0, «Янгиер» — «Автомобилист» (Қизилўрда) 1:0, «Нефтяник» (Фарғона) — «Олатау» (Жамбул) 0:0, «Динамо» (Кировобод)— «Автомобилист» (Термиз) 1:0. Бу ўйинлардан кейин Перм шаҳрининг «Звезда» командаси футболчилари 14 очко билан пешқадамлик қилмоқда. 13 очколи «Янгиер» ва ундан 1 очко орқадаги фарғоналиклар 2-, 3-ўринларни эгаллаб туришибди.

Андижонлик йигитнинг ютуғи

Андижонлик Аҳмаджон Маҳмудов ҳарбий хизматга бормасдан олдин ҳам спортни севарди. У бугунги кунда Ватан олдидаги бурчини адо этаркан, спортда эришаётган ютуқлари билан солдат дўстлари ўртасида намуна бўлмоқда. Яқинда 1000 метрга югуриш мусобақасида Аҳмаджон иккинчи даражали ҳарбий спортчи нишондори бўлишга эришди. Солдат йигит спорт сирларини кўпроқ эгаллашга ҳаракат қилмоқда.

Р. ЁҚУБОВ.
Н-қисм.

Бешинчи мағлубият

Ўтган куни мамлакат футбол чемпионатида икки учрашув бўлди. Москвада «Спартак» — «Карпат» учрашуви 3:0 ҳисобида майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди. Пахтакорчилар эса навбатдаги ўйинни сафарда — Бокунинг «Нефтчи» командаси билан ўтказишди. Футболчиларимизнинг учрашувнинг биринчи қисмидаги сусткашлиги туфайли имконият бой берилди. Натижада Любарцев дарвозасидан жавобсиз икки тўп ўтказиб юборилди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР
ХАБАРЛАР
ВОҚЕАЛАР

ЯНГИ БОСҚИЧ

СОВЕТ ОРБИТАЛ «САЛЮТ» СТАНЦИЯСИ ЭКИПАЖИНИНГ ИШИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

ПРАГА. «Руде право» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Салют» станцияси космонавтика тарихида алоҳида ўрин олади, чунки бу станция космосдан тинчлик мақсадларида фойдаланиш учун ажойиб истиқболлар очиб беради. Совет космонавтлари ўтказаётган экспериментлар, деб таъкидлайди газета, халқ хўжалигининг кўп тармоқларини янада ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Совет космик программасининг асосий афзаллиги ҳам ана шунда. Яқин йиллар ичида инсониятга наф келтиришга интилиш — бу программанинг асосий хусусиятидир.

◆ БУДАПЕШТ. Венгрия астронавтика жамиятининг секретари Дьердь Эрди-Краус ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Совет олимлари ва мутахассислари космик тадқиқотлар программасини планли суратда амалга ошираётганлиги ҳаммани қойил қолдирмоқда». Учувчи бошқариб борадиган орбитал илмий станциянинг вужудга келтирилиши деб уқтириб ўтди Д. Эрди-Краус, космосни тадқиқ этиш соҳасида ғоят муҳим босқични бошлаб беради.

◆ БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасининг газеталари космик системалар «Салют» — «Союз» парвозини кенг ёритиб, мутахассислар бошқариб бораётган ана шу биринчи орбитал иншоот космосни бундан буён ўзлаштириш йўлида муҳим роль ўйнайди, деб таъкидламоқдалар. Газеталарнинг ёзишича, бу парвоз ўз ютуқларини инсон бахт-саодати учун бағишлаётган совет фани ғоят тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини исбот қилади.

◆ ВАРШАВА. Польша Фанлар академияси астрономия институтининг мудири профессор Стефон Пиотровский қуйидагиларни айтди: Автомат станциялар ер атрофидаги фазони ҳам, қуёш системасидаги планеталарни ҳам тадқиқ этиш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Мен бундан Ой юзасида ишлаб турган станцияларни, келгусида эса Венера ва Марсда ишловчи станцияларни ҳам, ана шу юлдузлар атрофида айланиб юрадиган станцияларни ҳам кўзда тутмоқдаман.

◆ ГАВАНА. Куба халқи совет космонавтларининг орбитал «Салют» станцияси ичида муваффақиятли суратда олиб бораётган ишларини зўр эътибор билан кузатиб турибди. Газеталар, радио ва телевидение космосда ўтказилаётган илмий экспериментлар тўғрисида мунтазам хабар бериб турибдилар, экипажнинг станция бортидаги ҳаёти ва ишлари тўғрисида ҳикоя қилмоқдалар.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Америкада чиқадиган «Балтимор сан» газетаси қуйидагиларни ёзади: Совет кишиларининг космосда ўтказаётган эксперименти «космосни тадқиқ этишда янги босқични бошлаб беради ва космик фазодан инсонларнинг тинч мақсадлари учун фойдаланиш имконини беради». Газета бу экспериментдан кузатилган мақсад «пухта ўйланган ва жуда оқилона мақсаддир» деб таъкидлайди. (ТАСС).

АМЕРИКА «ТУРИСТЛАРИ» ҚЎЛГА ТУШДИ

ГАВАНА, 11 июнь. (ТАСС). Мамлакатнинг территориал сувларига қонунга хилоф равишда кириб келган иккита Америка яхтасининг экипажини Куба ҳукумати судга беришга қарор қилди.

Биринчи яхта Кайо-Мегано районида (Лас-Вильяс вилояти) Куба сувларига кирган эди. Яхтани ҳайдаб келган одам қирғоқнинг ўзидаёқ қамоққа олинган эди. У Кубага «тасодифий» равишда келиб қолганлигини айтди. Кучли радио алоқа воситалари билан таъминланган иккинчи яхта Крус Бруни районида (Орьенте вилояти) Куба соҳилига келиб тўхтаган эди. Унинг тўрт нафар америкаликдан иборат бўлган экипажи соҳилнинг ўзидаёқ ушлаб олинди.

Бу беш кишининг ҳаммаси Кубанинг территориал сувлари чегарасини бузган, деб айбланди.

8 июнда Вита порти районида Американинг ўзи юрар бир баржаси ушлаб олинди. Кема экипажи «машина бузилиб қолган эди» деб баҳона қилди. Территориал сувлар чегараси бу районда қандай шароитда бузилганлиги текширилмоқда.

БОЛГАРИЯ. Варнадаги Никола Вапцаров номли Олий халқ ҳарбий-денгиз билим юрти Болгария ҳарбий-денгиз флоти учун командирлар тайёрлайди. Суратда: билим юрти курсантлари машқ ўтказишяпти.

БТА—ТАСС фотоси.

Румыния делегацияси Хитойда

ПЕКИН. Бу ерда Румыния Коммунистик партиясининг Бош секретари, Румыния Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг раиси Н. Чаушеску бошчилигидаги Румыния Социалистик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси билан Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг раиси Чжоу Энь-лай ва бошқа расмий кишилар ўртасида бўлган музокаралар тугади. Делегацияни Мао Цзэ-дун қабул қилди. Сўнгра делегация Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг ва Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Пхеньянга учиб кетди. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ САНТЬЯГО. Эдмундо Перес Суховичнинг ўлдирилиши чет элларда тузилган планнинг бир қисмидир. Бу план мамлакатдаги конституцион тартибларга путур етказишни ва социал ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилишига халақит беришни кўзда тутади. Чили Компартияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг матбуот учун топширилган янги баёнотида шу гаплар айтилган.

◆ ГАВАНА. Куба ташқи ишлар министри Рауль Роа расмий визит билан Совет Иттифоқига учиб кетди. Гавана аэропортида уни Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Бош министр Фидель Кастро, Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзолари ва дипломатия корпусининг вакиллари кузатиб қолдилар.

Рауль Роа СССРдан ташқари, Польша, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси ва Жазоирга ҳам боради.

◆ ВЕНА. Австрия канцлери Крейский ҳукуматнинг барча аъзолари билан биргаликда мамлакатнинг янги сайланган президенти Франц Ионас ҳузурида бўлди. Франц Ионас 9 июндан расмий равишда ўз лавозимида ишлай бошлади.

Ана шу визит вақтида Ионас ҳозирги ҳукуматга ўз ишончини билдирди ва ҳукумат аъзоларидан ўз лавозимларида қолиб, ишни давом эттиришларини сўради. «Аввалги ҳукуматнинг истеъфога чиқиши ва янги ҳукуматни тайинлаш учун сабаб бўладиган ҳеч қандай ўзгаришлар бўлгани йўқ», — деди президент. (ТАСС).

Буржуазия ахлоқи

НЎХАТ МАЛИКАСИ

Англиялик студент қиз Линда Хау ажойиб ғалабага эришди. У нўхатни бурни билан суриб 38 минуту 11 секунд ичида 180 метр масофани босиб ўтди. Шу билан рекордчи қиз «нўхат маликаси» унвонини олишга муваффақ бўлди.

МЎЙЛОВ ЧЕМПИОНИ

Англияда бўлиб ўтган мўйловдорлар мусобақасида Жон Рой мамлакат чемпиони унвонини олишга муваффақ бўлди. Унинг мўйлови энг узун — 125 сантиметр бўлиб чиқди.

ОМАДИ КЕЛМАДИ

Пиво ичиш бўйича жаҳон рекорди ўрнатмоқчи бўлган янги зеландиялик Жек Мананонинг омади келмади. У 77 стакан пиво ичгандан кейин ҳолдан тойиб, стулдан ерга қулади. Шундай қилиб бу соҳада жаҳон рекорди яна унинг ватандоши — бир ўтиришда 104 стакан пиво ичган Годинеттда қолди.

БОШИДА ТУРИБ

Лондонлик Крис Лоусон ўзига хос рекорд қўйди. У оёқларини осмонга қилиб, боши устида турганича бир ярим литр пивони ичиб юборди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

АНЖЕЛА ДЭВИС ҲИМОЯСИГА

НЬЮ-ЙОРК. Калифорниянинг Сан-Рафел шаҳри суди Анжела Дэвиснинг кафилга бериш тўғрисидаги илтимосини қараб чиқишни кечиктирди.

Американинг тараққийпарвар жамоатчилиги мард негр коммунистни озод қилиш учун анча вақтдан буён кураш олиб бормоқда. «Дейли уорлд» газетасининг хабар беришича, Нью-Йоркда кенгаш ўтказилган. Бу кенгашда Анжелани кафилга олиш кампаниясини кенгайтириш йўллари ва воситалари муҳокама қилинган. Кенгашда АҚШ Компартиясининг Нью-Йорк штатидаги ташкилоти раиси Рашид Стори, юристлар, олимлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашганлар.

21 июнда Гарлемда Анжелани ҳимоя қилиш юзасидан оммавий митинг ўтказилажаги эълон қилинди. Бу митингда Анжеланинг онаси Сэлли Дэвис ва адвокат Говард Мур сўзга чиқади. (ТАСС).

КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ВАШИНГТОН. Давлат секретари У. Рожерс Париждан қайтиб келди. Парижда у иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг икки кунлик сессиясида қатнашди. Рожерснинг бу сафарига Оқ уй қандай аҳамият берганлигини шу факт кўрсатиб турибдики, мана шу ташкилотнинг сессиясида АҚШ давлат секретарлари орасида биринчи марта Рожерс қатнашди. Унинг бу сафарига давлат департаментининг юқори мартабадаги амалдорларидан иборат делегация, шунингдек молия ва савдо масалалари бўйича мутахассис — беш сенатор ҳамроҳ бўлиб борди. Давлат департаментининг расмий доиралари Рожерснинг бу сафарини изоҳлаб, АҚШ океан орқали савдо уруши бошланиб кетишига йўл қўймасликка интилмоқда, деган гапни айтди. Қўшма Штатларнинг тағин ҳам тажовузкорроқ савдо сиёсатига ёки европаликлар сўзи билан айтганда «Американинг ҳужумига» жавобан чоралар кўрилмайди, деб қатъий ваъда олишни давлат секретари ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси.

Жаҳоннинг турли районларида ҳарбий харажатлар ва олинган мажбуриятлар кўпайиб кетганлиги сабабли АҚШнинг ташқи савдо балансига путур етиб, АҚШ оғийин аҳволда қолди, деган важ билан Америка делегацияси Ғарбий Европа мамлакатларидан савдо соҳасида ён беришни талаб қилди. Бироқ АҚШнинг бошқа мамлакатлар савдо манфаатларига зарар етказиб бўлса ҳам ўзининг молиявий ишларини тузатиб олишга қаратилган умиди пуч бўлиб чиқди. «Вашингтон пост» газетасининг ёзишига қараганда, «Американинг жаҳон миқёсидаги мажбуриятлари юкини баравар бўлишиб олайлик, деб Никсон ҳукумати ўзи билан савдо қилаётган 22 та катта мамлакатдан расмий ваъда олишга уринган эди». Аммо бу уриниш муваффақиятсизликка учради. Парижда қаттиқ дипломатик тортишув бўлганлигига қарамай, сессия иши тамом бўлганидан кейин эълон қилинган ахборотда бу масала, Америка мухбирларининг ёзишига қараганда, «жуда мужмал» равишдагина эслатиб ўтилган. АҚШ савдо соҳасида бошқаларнинг ён беришини кутиб ўтирмасдан балки ўзининг молиявий ишларини тартибга солиб олиши лозим, деган фикр европаликлар орасида кенг тарқалган, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси. (ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.50 — ТОШКЕНТ, 9.55 — Ажойиб сеҳргар (бадиий фильм), 11.00 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Ахборот. Узбек тилида: 18.10 — Сенинг тенгдошларинг, 18.40 — Эртага — сайловлар куни, 19.00 — Лирик концерт, 19.40 — Ахборот, 20.00 — МОСКВА. Футбол: «ДИНАМО» (Москва) — «ТОРПЕДО» (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.15 — МОСКВА, 16.30 — Ҳайвонот оламида, 17.45 — Бадиий фильм, 19.15 — Цирк томошалари, 20.00 — ТОШКЕНТ. Концерт, 21.00 — Цирк томошалари, 21.40 — Москва — Генуя (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.15 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/VI да Риголетто.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/VI да Аяжонларим, 13/VI да Олтин девор.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Асосий зарба (2 серия) —САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 2, 4 ярим, кечқурун соат 7 ва 9.15 минутда).

Ёқимтой жаноб «Р» — СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8.20 минутда), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

Хайр дўстлар! — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кеч соат 8.45 ва 10 яримда), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11.40 минутда ва кеч соат 10 да), «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва 4 да).

Катта сайр (2 серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 яримда), «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ярим ва 9 да).

Том Жонс (2 серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 5 ва кеч соат 8 да), «МОСКВА» (кундуз соат 2 ярим, 5 ва кеч соат 7 ва 9 яримда).

Ҳамраз (2 серия) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ва 3да).

Утган кунлар (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 2 ярим, 3.20 минут, 5 ва кеч соат 8.20 минутда).

Сайҳа — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3 ва кеч соат 6 да)

ЁЗГИ БИНОДА

Катта сайр (2 серия) — НАВОИЙ номли.

Ёқимтой жаноб «Р» — «ФЕСТИВАЛЬ».

Кунгабоқар — «ХИВА.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

18, 19 июнь кеч соат 8 да
20 июнь кундуз соат 1 ва кеч 8 да

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА АТОҚЛИ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА

Катта концерт

«ТАБАССУМ ОҚШОМИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари — Амин ТУРДИЕВ, Ғани АЪЗАМОВ, Акром ЮСУПОВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — Олмахон ҲАИТОВА, Таваккал ҚОДИРОВ, Жуманазар БЕКЖОНОВ, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Эргаш КАРИМОВ, Эркинжон ТОШКЕНТБОЕВ.

Солистлар: Комилжон БАРАТОВ, Ҳабиба ОХУНОВА (Наманган), Ҳалима ХОЛБОБОЕВА (Марғилон), Дилбар ҚАЮМОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Қизлархон ДУСМУҲАММЕДОВА, ака-ука Камолиддин ва Зокиржон РАҲИМОВЛАР (Наманган), Низомжон ИКРОМОВ, ака-ука Ғуломжон ва Абдуллажон ҒАФУРОВЛАР, Ўткир ХОЛМУХАМЕДОВ, Зайнобиддин ЮСУПОВ (Марғилон), Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ, Садир ЗИЁВУДДИНОВ, Одилжон ОХУНЖОНОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Азиз МУЛЛАХОЛОВ.

Программани Амин ТУРДИЕВ, Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ ва Тожи АЪЛОЕВлар олиб борадилар.

Билетлар Свердлов номли концерт зали ва Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида кундуз соат 2 дан сотилади.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

14 июнь, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.20 — МОСКВА. 17.25 — Болалар учун кўрсатув, 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — «Юлдузча», 19.45 — АХБОРОТ, 20.00 — Ҳарбий журналистлар уруш ҳақида, Ўзбек тилида: 20.20 — Танбур тароналари, 20.50 — АХБОРОТ, 21.05 — Дипломат (спектакль), 22.30 — Футбол: СССР — Шотландия.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. 18.30 —Ишчи оиласида, 19.00 — МОСКВА. 19.15 — Концерт, 20.00 — Енгил атлетика мусобақалари, 21.00 — Янгиликлар, 21.05 — ГДР телевидениеси кўрсатади, 22.30 — Исёнкор застава (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

15 июнь, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар, 13.15 — «Чарм тўп» мусобақалари, 13.40 — Музикали киоска, 14.40 — Бадиий фильм, 15.30 — Телеочерк, 16.00 — Янгиликлар, 17.35 — Кинофильм, 18.05 — Стартга тайёрмиз, 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Телеқўғирчоқ театри, 19.35 — АХБОРОТ, 19.50 — Халқ контроли экранда. Ўзбек тилида: 20.20 — Ҳужжатли фильм, 20.40 — АХБОРОТ, 20.55 — Сувчи — ғўзани яшнатувчи, 21.20 — Қизлар давраси, 22.40 — Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. 19.00 — МОСКВА 19.45 — Кинофильм, 20.05 — Янгиликлар, 21.15 — Телеспектакль, 21.50 — Шоир А. Вознесенский — меҳмонимиз, 22.15 — «Оқ йўл», 23.00 — Концерт, 23.25 — Ёзувчи минбари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 21.00 — Фильм-концерт. 21.40 — Бадиий фильм.

16 июнь, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 13.15 — Янгиликлар, 13.45 — Концерт, 14.30 — Халқаро программа, 15.00 — ТОШКЕНТ. Ўзбек тилида: 18.00— Тележурнал, 18.40 — АХБОРОТ, 18.55 — Шеърият муҳлисларига, 19.15 — Чингиз Айтматов ва қирғиз киноси, 20.15 — АХБОРОТ, 20.30 — «Пропагандист», 21.05 — МОСКВА. Концерт, 22.30 — Футбол: Голландия — СССР.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА. 17.35 — «Пионерия», 18.00 — Мультфильм, 18.15 — Тележурнал, 18.50 — Янгиликлар, 19.00 — Китоб дўкони, 19.45 — Ҳужжатли фильм, 20.00 — Телеспектакль, 21.05 — ТОШКЕНТ. 21.45 — Даврларнинг ҳаёт қўшиқлари, 22.25 — Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 21.00 — Турналар учади (бадиий фильм).

17 июнь, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар, 13.15 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 13.40 — Устаси фаранглар шаҳри (бадиий фильм), 18.10 — Мультфильмлар, 18.30 — Сифат — сиёсий проблема, 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Болалар учун концерт, 19.30 — Ахборот, 19.45 — Бадиий фильм. Ўзбек тилида: 21.00 — АХБОРОТ .21.15 — Дала ишлари кундалиги, 21.30 — Эстрада концерти, 22.10 — Илмий коммунизм мактаби, 22.25 — Иззат Султон (ижодий портрет).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. 18.20 — Музикали кўрсатув, 19.00 — МОСКВА. 20.05 — Янгиликлар, 20.15 — Телеспектакль, 21.35 — Телеочерк, 22.35 — Концерт, 23.30 — Спорт кундалиги.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. 20.10 — «Ёш гвардия» (бадиий фильмнинг 1-серияси). 21.30 — Врач маслаҳати, 21.45 — Ҳужжатли фильм.

18 июнь, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар, 13.15 — Табиат ҳақида ҳикоялар. 13.40 — Бадиий фильм, 17.35 — Моҳир қўллар, 18.00 — Бокс бўйича Европа чемпионати. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Ахборот. Ўзбек тилида: 19.20 — — Марксизм-ленинизм — КПСС сиёсатининг илмий негизи, 19.40 — Ахборот. 19.55 — Спектакль,

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. 18.10 —Ёзувчидан — китобхонга, 19.00 — — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — Шафқатсизлик (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Врач маслаҳати, 20.15 — Классик музика саҳифаларида, 20.55 — Тўлқинда — 02, 21.05 — Ёш гвардия (бадиий фильмнинг 2-серияси).

19 июнь, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Кинокўрсатув, 10.00 — «Бойчечак», 10.30 — Концерт, 10.55 — МОСКВА. 16.55 — Тошкент. 17.00 — Мультфильм, 17.10 — Ахборот. Ўзбек тилида: 17.25 — Эртага — медицина ходимлари куни, 17.55 — Бадиий фильм, 19.35 — Телеочерк, 19.45 — АХБОРОТ, 20.00 — «ЕРКИН ҲАЁТ». 21.00 — МОСКВА. 21.05 — Бадиий фильм, 22.00 — Футбол: «ДИНАМО» (Киев) — «ТОРПЕДО» (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.00 — МОСКВА. 15.30 — Дала почтаси, 16.00 — Киноочерк, 17.20 — Бадиий фильм, 18.40 — Бокс бўйича Европа чемпионати, 19.15 — Беш йиллик марралари, 19.30 — Халқ ижоди телефестивали, 21.00 — ТОШКЕНТ. 21.50 — Студентлик — олтин даврим, 22.30 — Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.15 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

20 июнь, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.20 —ТОШКЕНТ. 9.25 — «Колокольчик», 10.15 — «Светофор». 10.55 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — АХБОРОТ, 17.20— Кинокўрсатув, 18.20 — Концерт, 19.00 — Футбол: «ПАХТАКОР»,— «ДИНАМО» (Минск). 20.45 — АХБОРОТ, 21.05 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув, 21.55— Экран куйлари, 22.50 — Телеспектакль.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 14.30 — МОСКВА. 16.00 — Телеальманах, 16.45 — Бокс бўйича Европа чемпионати, 18.15 — Киносаёҳатчилар клуби, 19.00 — Спектакль.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор —336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка —337343. Корректура—337162. Эълонлар—339142 Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44, Гулистон — 22-09.

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

А — 133. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 02599.